

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК:

АБДУРАХИМОВА ФЕРУЗА БОҲАДИРОВНА

**“ЎТА КИЧРАЙТИРИШ(АНТИГИПЕРБОЛА)” КОНЦЕПТИ
ВЕРБАЛИЗАТОРЛАРИНИНГ ЛИНГВОКОГНИТИВ ВА
ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ(ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК
ТИЛЛАРИ МАТЕРИАЛИДА)**

5A120102 – Лингвистика (инглиз тили) магистри
даражасини олиш учун

ДИ С С Е Р Т А Ц И Я

**Илмий раҳбар:
ф.ф.д, профессор Ғ.М.Ҳошимов**

Фарғона – 2017

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш.....	4
I БОБ. ҲОЗИРГИ ЗАМОН ТИЛШУНОСЛИГИДА ҚЎШМА ГАПЛАР НАЗАРИЯСИ ВА ҚИЁС ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАПЛАР МАСАЛАСИ.....	12
1.1. Қўшма гап синтактик қурилма сифатида ва унинг инвариант турлари.....	12
1.2. Қиёс концептининг универсал табиати ва уни ифодаловчи тил воситалари иайдони.....	22
Биринчи боб бўйича хулосалар.....	40
II БОБ. ТУРЛИ ТИЗИМДАГИ ТИЛЛАРДА ҚИЁС ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАПЛАР ТИПОЛОГИЯСИ.....	41
2.1 Турли тизимдаги тилларда қиёс эргаш гапли қўшма гапларнинг структурал – семантик ва коммуникатив – прагматик турлари типологияси.....	41
2.2. Қиёс эргаш гапли қўшма гапларнинг лингвокультурологик жиҳатлари қиёсий таҳлили.....	56
Иккинчи боб бўйича хулосалар.....	63
III БОБ. ТУРЛИ ТИЗИМДАГИ ТИЛЛАРДА ҚИЁС ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАПЛАРНИНГ ТИЛЛАРАРО МУТАНОСИБЛИГИ МАСАЛАСИ.....	63
3.1. Инглиз тилидаги қиёс эргаш гапли қўшма гапларни ўзбек тилига таржима қилиш муаммолари.....	63
3.2. Инглиз ва ўзбек тиллардаги қиёс эргаш гапли қўшма гапларнинг ўхшаш ва ноўхшаш жиҳатлари ҳамда лингводидактика масалалари.....	67
Учинчи боб бўйича хулосалар.....	77
УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР.....	78
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	81

КИРИШ

Мустақилликка эришганимиздан сўнг Биринчи Президентимиз Ислон Абдуганиевич Каримов ташаббуси билан ҳар бир соҳада ислоҳатлар амалга оширилди. Хусусан таълим соҳасида ҳам жуда кўплаб ишлар амалга оширилди. Биринчи Президентимизнинг 2012 йил 10-декабрда эълон қилинган «Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора тadbирлари тўғрисида»ги ПҚ-1875-сонли қарорида асосан чет тилларини ўрганиш ва ўқитиш сифатларини оширишга катта аҳамият берилди.

2016 йил 29- декабрдаги “2017 – 2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора тadbирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан жорий этилган қарорда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, моддий техника базасини мустаҳкамлаш, мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, болаларни мактаб таълимига тайёрлаш даражасини тубдан яхшилаш, таълим тарбия жараёнига замонавий таълим дастурлари ва технологияларни тadbиқ этиш, болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун шарт – шароитлар яратиш қарорнинг бош мақсади эканлиги тил ўқитиш соҳасидаги тadbқиқотларнинг жадаллаштирилиши, шу соҳалар учун зарур бўлган миллий кадрларни тайёрлашнинг ривожлантирилиши ва таълим тизимини мукамаллаштириш учун тurtки бўлади.

Мамалакатимизда олиб борилаётган бундай ислоҳотлар ўзбек тили билан бир қаторда инглиз ва бошқа чет тилларини амалий ўрганишга ва тилшуносликнинг назарий асосларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Мавзунинг долзарблиги. Шу ўринда чет тилларини ўрганишда уларнинг лисоний ва коммуникатив хусусиятларини она тилимиз - ўзбек тилига қиёслаган ҳолда ўрганиш икки тилнинг ўзаро фарқли ва ўхшаш томонларини таҳлил қилиш жуда муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабдан ҳам бу йўналишда кўплаб илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Ана шундай илмий ишлар орасида кўшма гапларга оид тадқиқотларни алоҳида таъкидлаб ўтиш даркор. Чунки бу мавзуга бўлган кизиқишлар кундан кунга ортиб бормоқда. Кўшма гаплар мавзуси устида изланишлар олиб борган тадқиқотчилардан Н.С. Поспелов, И.А. Попова, В.В. Виноградов, Л.П. Зайцева, И.П. Конькова, Л.С. Бархударов, С.П. Балашова, Ю.А. Ливицкий, Л.Л. Иофик, М.В. Волошенко, Б. А. Ильиш, И.П. Иванова, В.В. Бурлакова, Г.Г. Почепцов, А. Блок, Н. Кирволидзе, М.Т. Ирискулов, А. Кулдашев, Ў.Қ. Юсупов, Ў.Ҳошимов, Ғ.М. Хошимов, Ҳ.Исматуллаев ҳамда ўзбек тили тадқиқотчиларидан Ғ.Абдурахмонов, Ш.Шукуров, А.Шомаксудов, И.Расулов, Р.Қўнғуров, Ҳ.Рустамов, М. А. Ҳамроев, Э. Қиличев, О. Азизов, А.Нурмонов, Н.Маҳмудов, М.Асқароваларнинг катта хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Юқорида санаб ўтилган тадқиқотчиларнинг кўшма гаплар, хусусан, қиёс эргаш гапли кўшма гаплар мавзуси устидаги изланишларига батафсилроқ тўхталиб ўтсак.

Ўзбек адабий тилида қиёс муносабатини ифодаловчи кўшма гапларнинг таркиби, уларнинг мазмуний боғланишлари, қиёс маъносини берувчи вербал воситаларнинг умумий жиҳатлари ўрганилган. Хусусан “Ўзбек тили грамматикаси”, II Том, Синтаксис қисмида қиёс муносабатини ифодаловчи чоғиштириш - ўхшатиш эргаш гапли кўшма гаплар ва уларни қурилишида қўлланилувчи йигирмадан ортиқ вербал воситаларни мисоллар орқали кўрсатилган.¹ Айнан шу маълумотдан келиб чиққан ҳолда А.Нурмонов Н.Маҳмудовлар ўзларининг “Ўзбек тилининг

¹ Маҳмудов Н.Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995, 228, 291

назарий грамматикаси” асарларида мазкур кўшма гаплар таркибидаги денотатив воқеалар бир-бирига қиёсланишини айтадилар ва денотатив воқеаларнинг бир-бирига қиёслашда қуйидаги икки ҳил муносабатлар мавжуд бўлишини айтиб ўтадилар:

1. Денотатив воқеа ёки нарсаларнинг фарқини кўрсатиш;
2. Денотатив воқеа ёки нарсаларнинг ўхшашлигини кўрсатиш.

Айнан шу муносабатдан келиб чиққан ҳолда қиёс муносабатини ифодаловчи қиёс эргаш гапли кўшма гаплар икки турга: чоғиштириш эргаш гапли кўшма гаплар ва ўхшатиш эргаш гапли кўшма гапларга бўлинади. Ундан ташқари Н.Маҳмудов ва А.Нурмоновнинг фикрига кўра қиёс муносабатини ифодаловчи кўшма гаплар боғланиш муносабатига кўра боғловчисиз, боғланган, эргаш гапли кўшма гапларга бўлинади.²

Ў.Юсупов ўзбек тили каби инглиз тилида ҳам қиёс эргаш гапли кўшма гаплар бирор ҳаракат, белги ёки ҳолатнинг ё ўхшаш, ё фарқини ифодалашини кўрсатиб ўтади.³

Ў.Ҳошимов ва Ҳ.Исматуллаевлар томонидан ҳам қиёс эргаш гапли кўшма гаплар ҳақида умумий маълумот берилган. М. Ирискулов ва А.Қўлдашев эргаш гапли кўшма гаплар равиш муносабатига қараб ҳаракат сифати, ҳолат(manner), эга, тўлдирувчи, пайт, аниқловчи эргаш гапли кўшма гаплар турларини берар экан, қиёс маъносини берувчи қиёс эргаш гапли кўшма гаплар сифатида ҳаракат сифати (action quality) ва ҳолат (manner) муносабатидаги гапларни беради.⁴

Б.А.Ильиш эса равиш эргаш гапли кўшма гапли қиёс эргаш гапли кўшма гапга яқин эканлигини, уларни баъзи ҳолда бир-биридан ажратиш қийинлигини айтади. Унинг фикрига кўра қиёс эргаш гапли кўшма гапларда баъзида ҳолат баъзида эса қиёс маъноси мавжуд бўлиб, баъзи бир гапларда

² Ўзбек тили грамматикаси. 2-том. Синтаксиси.-Т: Фан, 1976.- 560б

³ Юсупов Ў. Инглиз тили грамматикасидан универсал қўлланма. –Тошкент.: 2014. 304-305б

⁴ Pyish B.A. The Structure of Modern English. M.: Prosveshcheniye, 1965. 298-300p

иккала маънони бир қўшма гапда келишини таъкидлайди. Б.А.Ильиш айнан шу икки муносабат бирга келганда қай бири муҳимлигини кўрсатиш жараёнини муаммоли деб баҳолайди. Шу сабабли у бу ҳил гапларни бир вақтда “ clauses of manner and comparison“, яъни қоришиқ гаплар деб номлашга мажбур этади. (У буни as, like, in the same way, as...as, than боғловчилари орқали кўрсатади).⁵

Юқорида таъкидланганидек, қиёс эргаш гапли қўшма гаплар мавзуси турли тил тадқиқотчилар томонидан ўрганилган. Шунга қарамай, мавзу тадқиқотчилар томонидан уларнинг умумий жиҳатлари ўрганилган. Қиёс эргаш гапли қўшма гапларнинг қисмларини боғловчи воситаларни, бу гапда қиёс ва ҳолат муносабатини фарқлаш тўлиқ ўрганилмаганлиги, шу кунга қадар айнан ўзбек ва инглиз тилларда қиёс эргаш гапли қўшма гаплар қиёсий таҳлили берилмаганлиги туфайли тадқиқотимизни айнан шу масалаларга қаратдик ва мавзунинг долзарблигини айнан шу масалаларда деб топдик.

Тадқиқотнинг ўрганилганлик даражаси. Юқорида айтиб ўтилганидек, ҚЭГҚГ мавзуси устида кўплаб олимлар изланишлар олиб борган. Рус тилшуносларидан – Н.С. Пospelов, И.А.Попова, Н.М. Александров, Н.В. Кирпичникова, В.В. Виноградов, А.М. Пешковский; инглиз олимларидан – С.Н.Сахарова, Л.С. Бархударов ва Г.В. Колшанский, О.В.Каминская, С.П.Балашова, Т.И. Поздранкова каби олимлар қиёс эргаш гапли қўшма гаплар мавзуси устида иш олиб борган тадқиқотчилардан ҳисобланади.

60-йилларда ўз тадқиқотларини қўшма гапларга қаратган рус олимларидан – С.Г. Ильенко, Ю.Р.Гепнер, Н.Н.Холодов, Н.М.Васильева, Н.И.Формановская, С.Е.Крючков и Л.Ю.Максимов, В.А. Белошапкова, Н.М. Киселёва, Д.Я. Вальтер кабиларни санаб ўтиш мумкин. Инглиз олимларидан

⁵ Irisqulov M, Kuldashiev. A. Theoretical grammar of the English language.2008. 136-140p

эса – В.И. Жельвис, Л.Л. Иофик, И.П. Конькова, С.Г. Ахматова, S. Dik лар ҳам ушбу мавзу устида изланишлар олиб боришган.

70-80-йилларга келиб бу мавзуга ўз қизиқишларин қаратган олимлар қуйидагилар ҳисобланишади: Н.В.Орлова, А.Г. Поспелова, А.Ф. Кулагин, Е.В. Макаренко, В.П. Ипеева, И.Н. Кручинина, И.В. Антипина, В.А. Белошапкина, А.А. Бронская, Н.Н. Холодов, Н.И. Белунова, В.А. Зыкова, Ю.А. Ливицкий, Н.П. Романова, Е.А. Васильченко, Ж.А.Микаелян, Т.Б. Фастовская, В.А. Дмитренко, И. Ю. Даригинавичен ва бошқалар. Улар томонидан қўшма гаплар мавзусига кўплаб мақолалар ҳам бағишланган.

70-йиллардаги қўшма гаплар мавзуси устида изланишлар олиб борган ўзбек олимларидан Ғ.Абдурахмонов, Ш.Шукуров, А.Шомақсудов, И.Расулов, Р.Қўнғуров, Ҳ.Рустамов, М.Асқароваларни санаб ўтиш мумкин. Улар ўз изланишларида бу мавзуга алоҳида ёндашган олимлардандир. Буларнинг давомчилари сифатида М.Мирзаев ва С.Усмоновларни таъкидлаш лозим.

Сўнгги 20 йилликда А.Нурмонов, Н.Маҳмудов, Ў.Ҳошимов, Ҳ.Исматуллаевлар қўшма гаплар мавзусининг турли аспектиларини ёритиб келаётганлардан ҳисобланади.

Қўшма гаплар мавзуси турли даврларда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган. Лекин қиёсий тилшуносликда бу мавзунинг ҳамма жиҳатлари ҳам очиб берилмаган. Бу борада инглиз ва ўзбек ҳамда кўплаб тилларда қўшма гапларнинг анализ таҳлили билан шуғулланган инглиз тилида изланишлар олиб бораётган ўзбек тадқиқотчиси, филология фанлар доктори, профессор Ғ.М.Ҳошимовнинг ҳизматларини таъкидлаб ўтиш лозим. Унинг кўплаб мақолалари, “Турли тил тизимларда қўшма гаплар типологияси”, “Принципы и методика типологического сопоставления сложных предложений” номли монографияларида айнан қиёс эргаш гапли қўшма гапларга тегишли қимматли маълумотлар берилган.

Тадқиқот объекти. Тадқиқот объекти сифатида ҳозирги замон инглиз ва ўзбек тилларида қиёс эргаш гапли қўшма гаплар олинди.

Тадқиқот предмети. Тадқиқот предмети қиёс эргаш гапли қўшма гаплар типологик табиати ташкил етади.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Тадқиқотнинг асосий мақсади ҳозирги замон инглиз ва ўзбек тилларида қиёс эргаш гапли қўшма гапларнинг қиёсий – типологик таҳлилини бериш, уларнинг структурал – семантик, лингво – когнитив, коммуникатив – прагматик ва лингвокультурологик жиҳатларини таснифини беришдан ва қиёс муносабатида қиёс ва ҳолат маъноларини бир - биридан фарқлашдан иборат. .Шу аснода қуйидаги вазифалар белгиланди:

- ҳозирги замон инглиз ва ўзбек тилларида қўшма гаплар ва қиёс эргаш гапли қўшма гапларга турли ёндашувлар таҳлили билан танишиш;
- ҳозирги замон инглиз ва ўзбек тилларида қўшма гапларнинг инвариант турлари ва қиёс эргаш гапли қўшма гапларга берилган таърифларни ўрганиш ва таҳлилини бериш;
- ҳозирги замон инглиз ва ўзбек тилларида қиёс эргаш гапли қўшма гапларнинг лингвокогнитив асосларини ёритиш ва қиёсий типологик таҳлилини бериш;
- инглиз ва ўзбек тилларида қиёс эргаш гапли қўшма гапларнинг коммуникатив-прагматик ва лингвокультурологик жиҳатларини ўрганиш;
- инглиз ва ўзбек тилларида қиёс эргаш гапли қўшма гапларнинг изоморфик ва алламорфик жиҳатларини ёритиб бериш;
- инглиз ва ўзбек тилларида қиёс эргаш гапли қўшма гапларни таълимда ўқитиш бўйича услубий тавсиялар ва машқлар тизимини яратиш.
- инглиз ва ўзбек тилларида қиёс эргаш гапли қўшма гапларнинг структурал – семантик жиҳатларини очиб бериш ва уларнинг қиёсий – типологик таснифини яратиш;

Тадқиқотнинг назарий ва методологик асоси. Тадқиқотни амалга оширишда машхур инглиз тилида изланишлар олиб борган тилшунослар Н.С. Поспелов, И.А. Попова, В.В. Виноградов, Л.П. Зайцева, И.П. Конькова, Л.С. Бархударов, С.П. Балашова, Ю.А. Ливицкий, Л.Л. Иофик, М.В. Волошенко, Б. А. Ильиш, Х. Свит, И.П. Иванова, В.В. Бурлакова, Г.Г. Почепцов, А. Блок, Н. Кирволидзе, М.Т. Ирискулов, Ў.Қ. Юсупов, Ғ.М. Хошимов, ҳамда ўзбек тили тадқиқотчиларидан Ғ.Абдурахмонов, А.Нурмонов, Н.Маҳмудов, Ў.Ҳошимов, .Исматуллаевлар, М.Аскарвалар, М.Мукаррамов, Э.Қиличев, О.Азизовнинг илмий асарларига таяндик.

Тадқиқот методлари. Тадқиқотимизнинг асосий методи қиёсий-чоғиштирма метод бўлиб, унда инглиз ва ўзбек тилларида қиёс эргаш гапли қўшма гапларнинг қиёсий таҳлилини келтиришда кенг фойдаландик. Бундан ташқари қиёс эргаш гапли қўшма гаплар бўйича тўпланган материаллар ҳозирги замон тилшунослик фанида кенг қўлланилаётган структурал, семантик, коммуникатив, прагматик, культурологик, когнитив, таҳлилий ва концептуал ёндашувлар ёрдамида таҳлил этилди.

Тадқиқотнинг назарий – амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти шундан иборатки, ҳозирги замон инглиз ва ўзбек тилларида қиёс эргаш гапли қўшма гаплар илк маротаба қиёслаб таҳлил этилди. Инглиз ва ўзбек тилларида қиёс эргаш гапли қўшма гаплар таҳлилий ва тавсифий усулда, қиёсий – типологик, структурал ҳамда когнитив методлар асосида ёритилди. Тадқиқотлардан келиб чиқиб, қиёс эргаш гапли қўшма гаплар ҳар томонлама таҳлил этилиб, уни алоҳида гап тури эканлигини исботлашга ҳаракат қилдик, мазкур гапларнинг изоморфик ва алломорфик жиҳатларини аниқладик ва уларни тақозо этувчи омилларни очиб беришга ҳаракат қилдик.

Ушбу диссертация натижаларидан олий ўқув юртларида тахсил олаётган талабалар учун “Назарий грамматика”, “Қиёсий тилшунослик” каби фанлардан махсус курслар ўтиш, маъруза матнлари ва услубий кўрсатмалар, мажмуалар тайёрлашда кенг қўлланилиши мумкин.

Шунингдек, ундан академик лицей ва коллеж ўқувчиларининг мустақил таълимини ташкил этишда фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқотнинг структурал таркиби. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Ҳар бир боб ўз мазмуни ва моҳиятидан келиб чиққан ҳолда бўлимларга ажратилган.

Тадқиқотнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, тадқиқот объекти, предмети, мақсади ва вазифалари, назарий ва методологик асоси, тадқиқот методлари, назарий – амалий аҳамияти, структурал таркиби хусусида маълумот берилган.

Биринчи боб – “Ҳозирги замон тилшунослигида кўшма гаплар назарияси ва қиёс эргаш гапли кўшма гаплар масаласи”да кўшма гапларга турли ёндашувлар, уларнинг таърифлари, ҳозирги замон тилшунослигида кўшма гаплар таснифи ва қиёс эргаш гапли кўшма гаплар шарҳлови амалга оширилган.

“Турли тизимдаги тилларда қиёс эргаш гапли кўшма гаплар типологияси”га бағишланган иккинчи бобда қиёс эргаш гапли кўшма гапларнинг структурал – семантик, лингво – когнитив, коммуникатив – прагматик ва лингвокультурологик жиҳатларининг қиёсий - типологик тавсифи берилган.

“Турли тизимдаги тилларда қиёс эргаш гапли кўшма гапларнинг тиллараро мутаносиблиги масаласи” деб номланган учинчи бобда қиёс эргаш гапли кўшма гапларнинг изоморфик ва алломорфик жиҳатлари, унинг лингводидактика билан боғлиқ масалалари кўрилган.

Хулосада тадқиқ этилган материаллар таҳлилидан келиб чиқадиган асосий натижалар, назарий ва амалий хулоса ва тавсиялар берилган.

I БОБ.ҲОЗИРГИ ЗАМОН ТИЛШУНОСЛИГИДА ҚЎШМА ГАПЛАР НАЗАРИЯСИ ВА ҚИЁС ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАПЛАР МАСАЛАСИ

1.1Қўшма гап синтактик қурилма сифатида ва унинг инвариант турлари

Тил алоқа воситаси бўлиб, унинг энг муҳим вазифаларидан бири коммуникатив вазифадир. Тил бу вазифани гап орқали тўлиқ бажаради, чунки гап унинг энг асосий birlikларидан бири ҳисобланади.

Гап ҳақида турли қарашлар мавжуд бўлиб, унга олимлар турли томондан ёндашган ва унга қуйидагича изоҳ берилган:

“Гап- оҳанг ва предикацияга эга, бир ёки ундан ортиқ синтактик усул билан боғланган сўзлардан ташкил топган, энг кичик коммуникатив birlikдир.”⁶

“Гап тил қоидаларига бўйсинувчи, фикрни ифодаловчи энг муҳим восита сифатида ҳизмат қилувчи нутқ birlikгидир ва у фақатгина алоқа эмас, балки гапирувчининг бирон - бир нарсага мунасабатини ифодаловчи восита ҳамдир.”⁷

“Гап - коммуникатив мақсадга кўра фарқланиб, маълум бир синтактик қурилма асосида сўзлардан ташкил топган нутқнинг бевосита birlikгидир.”⁸

“Гап- эга ва кесимдан ташкил топган тил birlikгидир.”⁹

⁶ М.Ирискулов, А.Кулдашев “Theoretical grammar of the English grammar”. Т.2008.-61 б

⁷ . Юқоридаги манба, 77 б

⁸ . Юқоридаги манба, 78 б

⁹ Бархударов Л.С. Структура простого предложения современного английского языка. М., Высшая школа, 1966.-141с.

Ирискулов М.Т. ўзининг “Тилшуносликка кириш” китобида куйидагича фикр билдирган: “Бир ёки бир нечта сўздан ташкил топган, биринчи даражали предикативлик хусусиятига ва оҳанг бутунлигига эга бўлган ҳамда нисбий тугал фикр англатадиган тилнинг мулоқот бирлиги гап дейилади. ” Бу таърифга кўра ҳар бир гап тугал(баъзан нисбий тугал) фикр, предикативлик - модаллик, шахс, замон категориялари ва оҳанг хусусиятига эга бўлиши зарур. Айнан гапнинг шу хусусиятлари унинг ички ва ташқи тузилишини белгилаб беради.¹⁰

Б.А. Ильиш ўзининг “The Structure of Modern English ” номли китобида гапга ҳали шу пайтгача аниқ таъриф берилмаганини айтиб ўтиб, бунинг сабаби сифатида оғзаки нутқда ҳар қандай тил бирлиги гап сифатида келиши мумкинлигини , яъни гапга ёндашиш турли томондан (масалан: парадигматик ёки коммуникатив томондан) бўлишини айтиб ўтади.¹¹

Б.А.Ильишнинг фикрича гап аниқ бир синтактик қолипга туширилган сўзлардан ташкил топган нутқий бирликнинг ажралмас қисми ва гапнинг грамматик қурилишининг асосий белгиси унинг тугал оҳангга эга эканлигидир.¹²

Ғ.М. Ҳошимовнинг гап (таксема)га берган таърифи ўзгача бўлиб, соф грамматик мазмунга эга: “Таксема (гап) бир ёки ундан ортиқ эга – кесимли таркибга эга бўлган синтактик бирлик бўлиб, у маълум воқеаликни ўзида акс эттиради.”¹³

¹⁰ Ирискулов М.Т. “Тилшуносликка кириш”.Т.”Ўқитувчи”,1992.-130б

¹¹ Ильиш Б.А “The structure of Modern English”,1971.-182б

¹² Ильиш Б.А. Строй современного английского языка. / Учеб.пос. для студ. пед. ин-тов. -2-е изд. Л.: Просвещение, 1971. -365 с.

¹³ Хошимов Ғ.М. Типология сложных предложений разносистемных языков. – Т.:Фан, 1991. -36с

Гапларнинг тузилиш, гапириш мақсади, гап бўлақларининг мавжулигига кўра турлари бўлиб, улар гаплар тузилишига кўра: содда ва кўшма гапларга бўлинади.

Бир фикрни ифода этиб, битта эга -кесимга эга бўлган гапларни содда гаплар, икки ёки ундан ортиқ эга-кесимлик муносабатини ифодаловчи гаплар кўшма гаплар дейилади. Кўшма гап синтактик birlikнинг энг юқори шакли бўлиб, содда гапларнинг мазмун ва грамматик бирикуви

асосида вужудга келади. Кўшма гап борасида кўплаб олимлар тадқиқот олиб боргани бизга маълум. Хусусан Б.А.Ильиш, М.Т.Ирискулов, Ҳ.Свит, Н.Кирволидзе, А.Рифтин, А.Ғ.Ғуломов, Ғ.Абдурахмонов, Ў.Юсупов, Ғ.М.Ҳошимов, А.Нурмонов, Н.Маҳмудов, М.А.Асқарова, А.Кулдашев, А.Мамажонов ва Э. Қиличев каби олимларнинг тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эга.

Дастлаб кўшма (composite) сўзи Ҳ.Поустма томонидан фойдаланилган. Кўшма гап ҳақидаги фикрлар тарихдан берилган бўлиб, шундай дастлабки фикрлардан бири Ҳ.Свитнинг кўшма гап ҳақидаги фикридир. Ҳ.Свит гапларни икки гуруҳга: содда(simple) ва мураккаб(complex) турларга ажратади ва икки ёки ундан ортиқ содда гапларнинг мазмунан ва грамматик жиҳатдан бирикуви натижасида мураккаб гапнинг юзага келишини таъкидлайди. Унинг фикрича мураккаб гап доим камида битта бош қисм ва тобе қисмга эга бўлишини айтиб ўтиб, иккинчи қисм яъни тобе қисм мустақил (бош қисм) қисмга тенг ёки эргашиб боғланади.¹⁴

Б.А.Ильиш кўшма гапларни боғланиш усулларига кўра таҳлил қилган. У агар кўшма гап боғловчи воситалар ёрдамида боғланса боғланган кўшма гаплар (syndetic), агар боғловчи воситаларсиз бўлса

¹⁴ Ийиш В.А. The Structure of Modern English. М.: Prosveshcheniye, 1965.

боғловчисиз кўшма гап (asyndetic) деб атайди. Ўз ўрнида боғланган кўшма гапларни тенг боғланган ва эргаш гапли кўшма гапларга бўлади.¹⁵

Инглиз тилида тадқиқот олиб борган олимлардан яна бири Н.Кирволидзе бўлиб, у кўшма гапга қуйидагича таъриф беради:” Кўшма гап икки ёки ундан ортиқ қисмлардан ташкил топади. Қисмлар эса битта эга ва битта кесимдан иборат бўлган бирлик бўлиб, қисмларни ҳам ўзидан каттароқ бўлган бирлик, яъни, кўшма гапнинг бир бўлаги ҳисобланади.”¹⁶ Н.Кирволидзе кўшма гапларни структурал – семантик жиҳатдан икки турга: тенг боғланган (compound) ва эргашган (complex), боғланиш усулларига кўра ҳам икки турга: боғловчи воситали (syndetically) ва боғловчи воситаларсиз (asyndetically) каби турларга ажратади.

Ў.Юсупов кўшма гап ҳақида қуйидагича фикрни билдиради: “Кўшма гаплар содда гаплардан мақоми жиҳатидан юқори турувчи, таркибида камида 2 та тўлиқ предикативли синтактик структура мавжуд бўлган маъно, шакли ҳамда интонацияси жиҳатидан бутун синтактик бирликлардир. Содда гаплар кўшма гаплар учун хомашё ҳисобланади, аммо бунда ўзларининг семантик-структурал ва интанацион мустақиллигини йўқотади. Содда гап битта воқеани англатса, кўшма гап, одатда, икки ва ундан ортиқ воқеаларни ҳамда улар ўртасидаги муносабатни англатади. Инглиз тилшунослигида кўшма гаплар 2 турга – боғланган ва эргашган кўшма гапларга бўлиб ўрганилади”¹⁷

А.Кулдашев ва М.Ирисқуловларнинг фикрича кўшма гап икки ва ундан ортиқ предикативликка-эга ва кесимлик муносабатига эга бўлган

¹⁵ . Sweet H. A New English Grammar Logical and Historical. — Oxford: Clarendon Press. Pt. 1. Introduction, Phonology, and Accidence, 1891; Pt. 2. Syntax. 1898.

¹⁶ .Kirvolidze. N. Theoretical course English language. –Tbilisi.: 2013. -73p

¹⁷ . Юсупов Ў. Инглиз тили грамматикасидан универсал қўлланма. –Т.: 2014. -271 б.

гапдир. Ирискулов и англиз тилида қўшма гапларнинг қуйидаги турларини беради:

1. Боғланган қўшма гаплар (compound sentence). Ўз ичига икки ва ундан ортиқ мустақил қисмларни олади (тобелик мавжуд эмас).
2. Эргашган қўшма гаплар (complex sentence). Ўз ичига бир тобе ва бир ёки ундан ортиқ мустақил қисмларни олади. Тобе қисм бош қисмни, яни мустақил қисмни ифодалаб келади.¹⁸
3. Мураккаб қўшма гаплар (the compound-complex sentence). Икки хил қўшма гаплар йиғиндисидан ҳосил бўлади ва тузилишига кўра камида 2 та мустақил ва камида 1 та тобе қисмлардан ташкил топади.¹⁹

Шунингдек, ўзбек тилида Ғ. Абдурахмонов, Ш.Шукуров, Н.Маҳмудовлар ўзларининг “Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси” китобида қўшма гап ҳақида карашларини ифода этиб, қўшма гап икки ва ундан ортиқ содда гапларнинг бирикувидан ташкил топган синтактик курилма эканлигини айтадилар ва Рифтиннинг агглютинатив тиллар учун берган таърифини ҳам беради: ”Қўшма гап содда гап таркибидаги сифатдош, равишдош ёки шарт феъли бошқарган бирикмаларнинг кенгайишидан ҳосил бўлган гапдир.”

А.Ғ.Ғуломов ва М.А.Аскарвалар “Тузилиш жиҳатидан содда гапларга ўхшаш бўлган икки ёки ундан ортиқ компонентнинг мазмун ва интонацияга кўра бирикувидан ташкил топган гаплар *қўшма гап* “ эканлини изоҳлайди. Уларнинг фикрича бу бирикувда уларнинг таркибий қисмдаги мазмун ва грамматик мустақиллик ўзгаради, агар қўшма гап қисмлари

¹⁸ Тилшуносликда “Эргашган қўшма гап” атамаси ва тушунчаси, бизнингча, нотўғрироқ кўринади, чунки бу курилмада қўшма гап эргашиб келмайди, балки унинг бир компоненти бошқа компонентга эргашиб келади

¹⁹ Ирискулов М.Т. Тилшуносликка кириш. –Т.: 1992.-42б

икки қисмдан ташкил топган бўлса ,бу унинг содда формаси, уч ёки ундан ортиқ бўлса бу унинг мураккаб формасидир.²⁰

Э.Қиличев ўзининг ”Ўзбек тилининг амалий стилистикаси” китобида мазмунан бир-бирига боғланган ва бир-биридан ажралиши мумкин бўлмаган, бир бутун яхлит фикрни ифодалаш учун хизмат қиладиган содда гаплар йиғиндиси қўшма гап эканлигини айтади. (Қиличев

Қадимда мураккаб фикрларни бериш учун содда гаплардан кетма-кет маълум бир оҳангга солинган ҳолда фойдаланилган. Аммо семантик муносабатларнинг дифференциаллашуви натижасида турли воситалар пайдо бўлди. Айнан шу воситалар туфайли қўшма гапларнинг турлари пайдо бўлган. Ҳозирда қўшма гапларнинг боғловчисиз, боғланган, эргашган ва мураккаб қўшма гап турлари берилди.

Ғ.Абдурахмонов,А.Рафиев, Д.Шодмонқулованинг фикрича , қўшма гапларни дастлаб икки турга бўлиш мақсадга мувофиқ:

I тур –икки қисмли (содда гапли) қўшма гаплар. Бу тур ўз ўрнида уч турга бўлинади: боғланган, боғловчисиз, эргашган қўшма гаплар.

II тур- уч ва ундан ортиқ қисмли(содда гапли) қўшма гаплар. Биз бу қўшма гап турини мураккаб қўшма гап деб атаймиз.²¹

Ғ.Абдурахмоновнинг фикрига кўра боғловчисиз қўшма гап қўшма гапнинг тарихий тури бўлиб, дастлаб боғловчисиз қўшма гап пайдо бўлган. Сабаби ҳеч қандай боғловчи бўлмаган даврларда мураккаб фикр содда гапларни ёнма-ён қўйиб маълум бир оҳанг ва бириктирув йўли билан айтиш улар учун осон бўлган. Қўшма гапнинг бу тури жуда муҳим бирикма бўлиб, қўшма гапларнинг бошқа тури учун асос бўлган.

²⁰ Гуломов А, Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис.Т.:Ўқитувчи, 1987.- 195б

²¹ Абдурахмонов.Х, Рафиев.А, Шодмонқулова.Д. Ўзбек тилининг амалий грамматикаси.- Тошкент:Ўқитувчи, 1992.

Боғловчисиз кўшма гаплар қадимда пайт муносабатини беришда, бир пайтда ёки кетма-кет содир бўлган иш-ҳаракатни кўрсатишда ва қиёс муносабатини ифодалашда қўлланилган. Боғловчисиз кўшма гап айнан пайт ва қиёс муносабати ҳозирги боғланган кўшма гапни пайдо бўлишига туртки бўлган. Ҳозирги кунда ҳам боғловчисиз кўшма гаплар шу муносабатларда фойдаланилиши кузатилмоқда.

Боғловчисиз кўшма гаплар ҳам мазмун муносабатига кўра икки турга бўлинада:

- 1) боғланган кўшма гапларнинг боғловчисиз тури
- 2) эргашган кўшма гапларнинг боғловчисиз тури.

Биринчи турда гап мазмунидаги ҳаракат, воқеа-ҳодиса бир пайтда ёки кетма-кет юз бериши ёки қиёсланиши, таққослаш ва бир-бирига зид қўйилиши англашилиб туради. (*Кўнғироқ чалинди, дарс бошланди. Қор ёғди-дон ёғди*). Иккинчи турдаги кўшма гапда содда гаплардан шарт, сабаб, натижа, тўсиқсизлик каби мазмун англашилади. (*Кўшнинг тинч-сен тинч. Ўтирганлар қисталанг қилди, ашулачи торни қўлига олди.*)

Боғланган кўшма гаплар икки ва ундан ортиқ тенг ҳуқуқли гапларнинг бирикувидан таркиб топган гаплар. М.Т.Ирискуловнинг “Тилшуносликка кириш” китобида кўшма гапнинг бу тури ҳақида кўп тўхталган бўлиб, унда баъзи олимлар бу гапни осон содда гапларга ажратилиши туфайли сунъий равишда тузилишга эга эканлигини таъкидлаб, уни кўшма гапнинг тузилиш турига киритмасликни афзал топганликларини аммо бунга қарши чиққан ҳолда бошқа олимлар баъзи боғланган кўшма гапларнинг таркибий қисмларининг ўрнини алмаштирганда унда мантиқан маъно бузилишини айтиб уни кўшма гап тури сифатида беришлари ўринли эканлигини алоҳида таъкидлайди. (*Биз тоғга келдик ва уйларни тоғаладик* - Бу гапда гапларнинг ўрни алмашса, маъно бузилади.)

А.Ғ.Ғуломов ва М.А.Асқаровалар “Тузилиш жиҳатидан мустақилдай кўринган икки ёки ундан ортиқ тенг ҳуқуқли компонентнинг тенг боғловчилар ва тенгланиш интонацияси воситасида бирикишидан ташкил топган кўшма гап тури”ни боғланган кўшма гап деб атайдилар. Унга кўра кўшма гапнинг бу турида унинг таркибий қисмидаги биринчи гап эркин, кейингиси эса биринчисига маъно жиҳатдан боғлиқ бўлади. Бундан келиб чиқадики, боғланган кўшма гапда иккала қисм тенг ҳуқуқли бўлишига қарамай, улар ўз мустақиллик ҳолатини бироз бўлса-да, йўқотиши аниқ, яъни улар мазмунан нисбий мустақилликка эга дейиш мақсадга мувофиқ.

Кўшма гапнинг эргаш тури икки ва ундан ортиқ гаплардан ташкил топган бўлиб, улардан бири бош гап, қолганлари бош гапга тобе бўлган эргаш гаплардир.

А.Ғ.Ғуломов ва М.А.Асқароваларга кўра тенг бўлмаган, бири иккинчисига тобе бўлган, эргаштирувчи боғловчилар, нисбий сўз ва тобеланиш оҳанги воситасида бириккан кўшма гап тури эргаш гапли кўшма гап дейилади. Эргашган кўшма гап қисмлари ўзаро боғловчи ёрдамида ва боғловчисиз бирикади. “Кўшма гап таркибидаги қисмлар ёрдамчисиз боғланганда, уларнинг боғланган кўшма гап ёки эргашган кўшма гап эканлигини қатъий ажратиш анча қийинлашади, чунки боғловчисиз эргашган кўшма гаплар тузилиш жиҳатидан боғланган кўшма гапга ўхшайди. Лекин унинг формасини мазмуни билан узвий ҳолда текширсак, эргашган кўшма гап эканлиги аниқ сезилади.” Шунингдек эргаш гапнинг шаклланиши сифатдош, равишдош, шарт феъли, феъл шакллари, нисбий олмошлар ва тобе боғловчиларнинг шаклланишига боғлиқ.

Дастлаб фақат кўшма гап уч турга ажратиларди. Лекин Ғ.Ғуломов ва М.Асқаровалар айтганидек, ўзбек тилида шундай кўшма гаплар ҳам борки, улар шаклан эргашган кўшма гапга ўхшаса ҳам,

мазмунан боғланган қўшма гапларга яқин туради. Яъни қўшма гап таркибидаги қисмлар эргаштирувчи ёрдамчилар воситасида бирикса ҳам, қисмлар тенг ҳуқуқлидай кўринади. Айнан шу ҳолатдан келиб чиқиб, қўшма гапнинг боғланган қўшма гапга ҳам, эргашган қўшма гапга ҳам кирмайдиган алоҳида бир тури борлигини башорат қиладилар. Ҳозирда бу қўшма гап тури мураккаб қўшма гап деб юритилади.

М.Т.Ирискулов қўшма гапнинг бу турини ҳам бериб, уни аралаш қўшма гап деб ҳам аталишини айтади. Унинг фикрича бу гап тури ҳақида икки ҳил ёндашув мавжуд. Биринчи ёндашувда баъзи олимлар мураккаб қўшма гап битта бош гап ва камида иккита эргаш гапдан ташкил топади, бошқаларнинг фикрича бу гап тури учта ва ундан ортиқ тенг ҳуқуқли гаплар йиғиндисидан ташкил топади. Аммо М.Т.Ирискулов агар бу икки қарашга ёндашилса гапнинг тури чексиз бўлиб кетишини айтади ва қуйидаги таърифни таклиф этади:” Мураккаб қўшма гап деганда камида иккита тенг ҳуқуқли (яъни боғланган) ва бир ёки бир нечта эргаш гаплардан ташкил топган гапларни тушуниш мақсадга мувофиқдир.*(Созлиқ яҳши бўлса, иш ҳам унумли бўлади, киши чарчамайди. Баҳор келди, аммо ҳаво анча совуқ, чунки қиш бироз чўзилиб кетди.)*”

Э.Қиличев ўзининг “Ўзбек тилининг амалий стилистикаси” номли китобида уч ва ундан ортиқ содда гапларнинг йиғиндисидан ташкил топган қўшма гап тури мураккаб тури ҳисобланишини ва у илмий тилда “*период*” атамаси билан аталишини таъкидлайди. (“*Период- мазмун ҳамда оҳанг билан боғлиқ тугалликка эга бўлган бир неча уюшган қисмлари мавжуд бўлган маълум бир мақсадли синтактик бутунликлардир.*”) Периодлар асосан образли ҳолатда яъни воқеа-ҳодисаларнинг белги - хусусиятини, табиат манзарасини беришда, таъсирчанликни оширишда, персонажларнинг ҳолат ва ҳаяжонини ифодалашда фойдаланилади.

Қўшма гап хусусида гап борар экан, ватанимизнинг синтаксис бўйича олимлардан бири ҳисобланган филология фанлар доктори, профессор Ғ.М.Ҳошимовнинг тилшуносликнинг долзарб масалаларига бағишланган, “Турли тизимли тилларда қўшма гап типологияси.” деб номланган илмий тадқиқоти муҳим аҳамиятга эга. Унда биз қўшма гапларнинг структурал – семантик таснифи, қўшма гапларнинг таркибини ташкил этувчи компонентларнинг лисоний табиати ва боғловчи воситаларнинг турларига бўлган ўзгача ёндашувни кўришимиз мумкин. Ҳусусан унинг тадқиқотида монотаксема ва политаксема ҳар қандай тилда универсал эканлиги таъкидланади. Таксема “таксис” (синтактик сўзидаги таксис асосида) атамасининг “эмик”, “этик” кўриниши бўлиб, Ғ.М.Ҳошимов томонидан улар атама сифатида берилади. Таксема кесимлик белгиси билан ҳарактерланувчи энг кичик синтактик бирликдир. Демак,

- 1) монотаксис – монотаксема(содда гап)
- 2) политаксис – политаксема(қўшма гап) :
 - а) паратаксис - паратаксема (parataxeme)
 - б) гипотаксис – гипотаксема (hypotaxeme)
 - в) коллотаксис – коллотаксема (collotaxeme)
 - г) парентаксис - парентаксема (parentaxeme)
 - д) гипертаксис - гипертаксема (hypertaxeme)
 - е) супертаксис - супертаксема (supertaxeme)
 - ф) ультратаксис – ультратаксема (ultrataxeme)
 - ж) архитаксис - архитаксема (architaxeme)²²

²² Ҳошимов Ғ. М. Типология сложных предложений разносистемных языков. –Т.: «Фан», 1991. -34 с

1.2.Қиёс концептининг универсал табиати ва уни ифодаловчи тил воситалари майдони

Инсон тафаккурида, яъни концептосферасида турли концептуал семантика турлари мавжуд. Улар коммуникатив жihatдан муҳимдир. шундай семантикалардан бири “қиёс концептуал семантикаси” бўлиб, у универсал табиатга эга, шу боис улар ҳамма тилда, хусусан ўзбек ва инглиз тилларда ўзига ҳос вербал воситалар орқали воқеалантирилади. Бу вербал воситалар тилшуносликда вербализаторлар деб юритилади.

“Қиёс концептуал семантикаси” тилда мавжуд бир қатор бирликлар орқали воқеалантирилувчи ўзига ҳос тизимга эга лингвокогнитив, морфологик ва лексико- синтактик семантик категория ҳисобланади. Турли адабиётларда “қиёс концептуал семантикаси”ни ифодалаш учун бир қатор тил бирликлар вербализаторлари қўлланиши айтиб ўтилган: Б. А. Ильиш “The structure of Modern English”1971й, М.Мукаррамов “Ўзбек тилида ўхшатиш”1976й, А.Мамажонов “Қўшма гап стилистикаси” 1990й, А.Ғ.Ғуломов, М.А.Асқарова “ Ҳозирги ўзбек адабий тили”1965й, Н. Маҳмудов “Ўхшатишлар ва миллий образ” (“Ўзбек тили ва адабиёти” Тош. 2013й 3-8б), Д.Носирова “Содда гапларла қиёс мазмунининг ифодаланиши”(“Ўзбек тили ва адабиёти” Тош.2014.88-89б), С.Боймирзаева “Қиёслаш муносабатини ифодаловчи қўшма гаплар синонимияси” (“Ўзбек тили ва адабиёти” Тош.1996.30-32б), Ў.Қ. Юсупов “Инглиз тили грамматикасидан универсал қўлланма”2011й 304-305б ва бошқалар.)Бирок уларни майдон табиати, яъни вербализаторлари бир тизимга солинган ҳолда тадқиқ қилинмаган.

Қиёс эргаш гапли қўшма гапларнинг структурал – семантик турлари ҳақида қиёслаш методикаси бўйича кенг типологик маълумотларни биз таниқли олим профессор Ғ.М. Ҳошимовнинг докторлик диссертациясида кўрамыз. Мазкур олим томонидан биринчи

бор тилшуносликда қиёс эргаш гапли қўшма гапларнинг типологик табиати, уларнинг квантатив ва квалитатив қирралари очиб берилган.²³

Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, ҳар бир конкрет тилда, хусусан ўзбек ва инглиз тилларида ҳам “қиёс концептуал семантикаси” предметлар (нарсалар, инсонлар, хайвонлар, ходисалар, воқеалар даражалар, миқдорлар, вазиятлар, ҳолатлар ва х.к) қиёсий тавсифини воқеалантирувчи инвариант вербал воситалар мажмуаси мавжуд бўлиб, улар бир яхлит тизимни ташкил этади.

Қўшимча тарзда шуни таъкидлаш лозимки, қиёс концептида уч компонент муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар қуйидагилар: ўхшатиловчи объект, ўхшовчи образ, ўхшашлик белгиси. Хусусан, В.В.Малкова рус тилидаги турғун ўхшатишлар уч қисмдан, яъни “Қиёс субъекти, қиёс объекти, қиёслаш асоси” дан ташкил топганини кўрсатади. Н.Маҳмудов эса ўзбек тилидаги турғун ўхшатишларнинг тўрт унсурдан – ўхшатиш субъекти, ўхшатиш объекти, ўхшатиш асоси ва ўхшатишнинг шаклий кўрсаткичидан таркиб топишини айтиб ўтган. Шунингдек, айрим кўлланмаларда ўхшатишнинг яна бир унсури- “ўхшатиш мақсади” ҳам мавжудлиги таъкидланади.²⁴

Қиёслаш(ўхшатиш) реал (Бундай ўхшатишлар сезгиларга асосланганлиги учун табиатда уларнинг мавжудлигига ишониш мумкин.) ва абстракт(бундай ўхшатишлар бирор кишининг назарида, ҳаёлида ёки тасаввурида рўй беради.), бадий адабий тилдаги ўхшатиш қўлланиши жиҳатдан анъанавий (халқнинг жонли – сўзлашув нутқидаги ўхшатишлар.) ва индивидуал (Ёзувчининг халқ тилидан моҳирона фойдаланиши орқали қўллаган ўхшатишлар.), мазмунига кўра инкорли, кинояли, сатирик, чоғиштирув, тўлиқ (бундай ўхшатишларда ўхшатиловчи объект, ўхшовчи образ ва ўхшатма белги лексик бирликлар билан келади.) ва тўлиқсиз

²³ Хашимов Г.М.Типология сложного предложения в разносистемных языках. Автореф. дис. ... докт. филол. наук. Т., 2002.- 268с.

²⁴ Эргашева Г. Ўзбек ва инглиз тилларидаги турғун ўхшатишлар//Ўзбек тили ва адабиёти, 2015. - 102-104б

(Бундай ўхшатишларда ўхшатма белги лексик бирликлар билан ифодаланмайди.), воситасиз, содда ,мураккаб, таркибли, узилган, кетма-кет турлари мавжуд.²⁵

Ҳар бир конкрет тилда “қиёс концептуал семантикаси”(ёки “концепти”) тилларда қуйидаги вербализаторлар орқали воқелантирилади.²⁶

1) интонема

2) морфофонема

3) морфема

4) лексема

5) фразема

6)сентенсема

а)монотаксема

б)политаксема

7) фразеоема

8) текстема

Бу вербал воситалар барча тилларда универсал мақомга эга бўлиб, “қиёс концепти”ни воқелантириш учун махсус воситалар саналади. Юқорида санаб ўтилган вербал воситалар ҳар бир тилда мавжуд бўлиб, уларни бир умумий атама, яъни “компаратема” атамаси ²⁷билан аташ мумкин. Барча тилларда “қиёс концепти”ни воқелантирувчи вербал

²⁵ Мукаррамов М.Ўзбек тилида ўхшатиш.Т, “Фан”, 1976, 25-32 бетлар

²⁶ Ҳошимов Г.М, Дадабаева Ш.Ш. Қиёс концептуал семантикаси ва уни вербализаторлари хусусида//Когнитив тилшунослик ва филологиянинг долзарб масалалари. Фар ДУ. 2017, 102б

²⁷ Ҳошимов Г.М, Дадабаева Ш.Ш. Кўрсатилган мақола, 102б

воситалар тилнинг у ёки бу сатҳига дахлдорлигидан келиб чиқиб, уларнинг қуйидаги турларини ажратиш мумкин:

1) морфофонокомпаратема

2) морфокомпаратема

3) лексокомпаратема

4) синтаксокомпаратема:

а) фразекомпаратема

б) сентенсокомпаратема

5) фразекомпаратема

6) текстокомпаратема ²⁸

Шундай қилиб инглиз ва ўзбек тилларида “қиёс концептуал семантикаси” юқорида кўрсатилган ўзига ҳос вербал воситалар-вербализаторларнинг инвариант турлари орқали воқеалантиради, масалан:

I Морфемалар орқали. Қиёс концепти морфемалар билан ифодаланганда бу морфемалар юқорида таъкидланган ўхшовчи яъни ўхшатилаётган образ - сўз таркибида бўлади. Қиёс концептини ифодаловчи морфемалар қуйидагилар:

Инглиз тилида:

1) -er (*bigger*),

2)-ish (*childish, girlish, sheepish*),

3)-wise (*fatherwise*),

4)-est (*largest*),

5)-like (*ladylike, lifelike, childlike*),

²⁸ Ҳошимов Г.М, Дадабаева Ш.Ш. Қиёс концептуал семантикаси ва уни вербализаторлари хусусида//Когнитив тилшунослик ва филологиянинг долзарб масалалари. Фар ДУ. 2017, 102б

6)-ly (cowardly, costly, friendly)

7)-shape

8) -form.

-er/est инглиз тилида сифат даражаларини ясовчи ва қиёс муносабатини берувчи қўшимчалардир. –er икки нарсани қиёслаб келади ва гапда асосан билан келади. –est эса орттирма даражани ясаб, иккидан ортиқ нарсаларни қиёслайди.

- ish/like/ly қўшимчалари отларга қўшилиб уларнинг сифатини бошқа нарсага ўхшатиш мақсадида фойдаланилади. (*an childish girl, an innocent childlike face.*)

Ўзбек тилида:

1)-дай/-гандай (*одамдай*),

2)-дек/-ганидек/дақа/-нийн/-тийн (*гулдек, ойдек*),

3)-сифат (*дарвешсифат, фариштасифат, девсифат*),

4)-симон (*супургисимон, бургутсимон*),

5)-она (*итоаткорона, йигитона*),

6)-намо (*ҳазилнамо, телбанамо*),

7)-омуз (*саволомуз, масҳараомуз*),

8)-роқ (*қизиқарлироқ, каттароқ*),

9)-қомат (*девқомат*),

10)-ча/-ларча/-часига (*эркакча, оталарча, ҳарбийчасига*),

11)-дан (*пахтадан юмшоқ, ипакдан майин*),

12)-ки (*...шундай эдики,...*),

13)-гандан кўра (*чиройли бўлгандан кўра, ақлли бўлмоғи даркор*),

14)-гунча (*Бош эгилгунча, бош синсин*),

15)-май (*онанг ўлсин, сени бу эрга ёлғиз юбормай*.)

16)-чалик (*болачалик*)

17)-чадек (*қизчадек*)

Ўзбек тилидаги қиёс муносабатини берувчи энг кўп учровчи морфема “–дай/-дек” қўшимчалари ҳисобланади. Биз биламизки, бу қўшимчалар равиш ва сифатдош қўшимчалари бўлиб, айнан қиёс муносабатида ҳам у предметнинг белгиси ёки ҳолати(равиш)ни қиёслайди. (*айиқдай югурди, тухумдай оқарди.*). Уларнинг яна бир хусусияти шундаки, бу қўшимчалар агар ҳолат маъноси, ҳаракат маъноси, овоз, ранг, вақт, белги, предметнинг бир бутун кўринишини қиёслаганда каби, сингари, ўхшамок, янглиғ каби лексемалар билан синоним бўла олади:

Предметнинг ҳолат маъноси ўхшатилганда: *Йўгон қиши чалқанча йиқилди ва сўйилган товуқдай(товуқ каби)питирлаб, суяк тиқилган итдай хириллай бошлади.*²⁹

Предметнинг ҳаракат маъноси ўхшатилганда: *бобомирзо севинганидан раққосалардай (раққосалар сингари) қўлини қирсиллатиб, елкасини қилпиллатиб, ўйинга тушиб кетди.*³⁰

Овоз ўхшатилганда: *Қулогим сизда! – Унинг товуши момоқалди роқдек (момоқалди роққа ўхшаб) янгради.*³¹

Ранг ўхшатилганда: *Осмон ҳудди янгигина оҳак суртилган девордек (девор сингари) секин – секин оқариб келарди.*³²

Ундан ташқари бу қўшимчаларнинг оғзаки нутқда - *нийн/тийн / дак /дай /дақа* каби формалари ҳам бор. Бу морфема бамисоли, мислсиз, гўё, худди, кўра, баайни каби лексемалар билан бирга келиб унда қиёслаш маъноси янада кучайтирилади.³³

²⁹ Мукаррамов М.Ўзбек тилида ўхшатиш.Т, “Фан”, 1976, 356

³⁰ Мукаррамов М.Кўрсатилган китоб, 356

³¹ Юкоридаги манба, 356

³² Юкоридаги манба, 356

³³ Юкоридаги манба, 38 – 39б

-симон кўшимчаси предметнинг шакли, ҳолати, белгиси ва рангини қиёслашда ишлатилади. (*Анҳорнинг туб – тубидан гирдобсимон қайнаб чиқаётган сувга тикилганча қолдик. Қаранг, бундай қилиб эсангиз асалсимон шира чиқади. Жийданинг кумушсимон япроқлари лов – лов ёна бошлади.*)³⁴ Бу морфема ҳам турли хил ҳолатларда бошқа қиёс концептидаги вербализаторлар билан синоним бўлиши мумкин. – симон кўшимчаси белги хусусиятини ўхшатганда сифат, нусха, башара сўзлари билан синоним бўлади. (*Маймунсимон (Маймунсифат – маймуннусха – маймунбашара киши) киши тоқчадан пиёла олиб мусаллас қўйгач, гап мавзусига кўчди.*)³⁵

-она морфемаси бошқа қиёсловчи морфемалардан фарқи шундаки, у қиёс ифодасини тўғридан тўғри қиёсламайди. Масалан, “*Мансур ҳеч нима демасдан унга гуноҳқорона қараб қўйди – да, вагон ичига ўтиб, полкасига чўзилди.*”³⁶ Бу мисолда мансурнинг қараб қўйиш ҳолати гуноҳқор одамларнинг қараб қўйиш ҳолатига қиёсланган.³⁷

-намо морфемаси форс – тожикча *номудан* сўзидан олинган бўлиб, у равиш ясовчи кўшимча ҳисобланади. Бу морфема ўхшовчи образ бўлиб келган от, сифат, сифатдошга кўшилиб, одамнинг белги – хусусиятини ўхшатади. (*Абдулхай ўзбек тилида чертиб – чертиб, олифтанамо гапираётган махлуқдан нафратланиб, юзини терс ўғирди.*)³⁸

-омуз. Бу морфема ҳам қиёс маъносини бериб кўпинча масхара, хушомад, гина, тана, киноя, савол каби сўзларга кўшилиб, кишининг ўзини эмас, балки унинг ҳолатини қиёслайди. (*афар унга бошқа топшириқларни ҳам бериб сўзининг охирида кинояомуз деди: - Бу гал ҳам*

³⁴ Мукаррамов М. Ўзбек тилида ўхшатиш.Т, “Фан”, 1976, 396

³⁵ Юқоридаги манба, 396

³⁶ Юқоридаги манба, 396

³⁷ Юқоридаги манба, 406

³⁸ Юқоридаги манба, 42-43 б

“махсус ахборотлар бўлимида” бирон янги гап топилиб қолар? – Уни мана бу холам киргизмади... – юпқа лабларини буриб, шикоятмуз гапирди Нина.)³⁹

- дан келишиги баъзан ўхшатиш муносабатини ифодалайди. (*Терак толдан балан*⁴⁰.) Бу кўшимча ўхшатиш муносабатларини ифодалашда кўйидаги воситалар: *ҳам, - роқ, ҳам сўзи ва -роқ, кўра сўзи ва - роқ, фарқи йўқ, фарқи нима?* билан биргаликда келганда ўхшатиш маъноси янада аниқлашади. (*Ёшлик балки дарёдан ҳам шўх, асовроқдир. Ўтирган ерида мушукнинг хириллашидан пастроқ бир овоз чиқариб ўтирарди. Одамларнинг совуқлиги қишнинг совуқлигидан ҳам ортиқроқ бўлади. Малоҳатнинг кўк пиёладан кўра кичикроқ буқоғи бўлиб, шуни ўтган йил кузда кестирган эди. Юртга қарагани бўйи етмайдиган одамчанинг офтобшувоқда қорини ялаб, орқа оёғи билан бўйинини қашлаб ётган мушук боладан фарқи йўқ. Ҳизматкордан фарқим нима?*⁴¹

-ча морфемаси предмет ва одамга ҳос бўлган белгини бошқа бир белгига ўхшатади.

Масалан, “Унинг ўликники сингари кўзларида заррача ҳам ёш кўринмади. Шахзода эркакча хирқи товуш билан бунинг олдини олди.”

II Лексемалар орқали:

Инглиз тилида:

As...as (as easy as that), like (like him), than (taller than me), as if (As if I were him , unlike (unlike other prices), resemblance(a close resemblance to her brother), similarity /similar to (similarity of techniques), alike (Two parties are remarkably alike), parallel(there are close parallels here with anti-racist work in education), analogy/analogous(A close analogy can be drawn between cancer of the cell and a society hooked on drugs), comparable to(The salary is comparable

³⁹ Мукаррамов М. Ўзбек тилида ўхшатиш. Т, “Фан”, 1976, 44-45 б

⁴⁰ Мукаррамов М. Кўрсатилган китоб, 476

⁴¹ Кўрсатилган китоб, 486

with that of a junior doctor), identical to (The procedure is identical that of any other public bill, likewise (The owner of the restaurant is likewise the owner of the deli next door), in the same way (Adverbs describe verbs in the same way that adjectives describe nouns), (by/in) contrast to (sharp contrast between the US and Europe), different from (This story is different from another), the reverse (The situation is the reverse of what it seems), by/in comparison (Gallstone disease is the most common cause of pancreatitis in Scotland. By comparison, alcohol is the most common cause of pancreatitis in patients in Finland.), versus (The American versus British female stereotype is a trans-Atlantic difference of opinion that has been raging for decades.), while (While teachers without full qualifications are poorly paid, qualified teachers are now relatively well of.), whereas (The majority of students of English are women, whereas the majority of academics teaching it are male.), but (Mary is tall, but her brother is taller), such..., as... / (He is such a good man as your friend is), not so... as (Lucy made a mistake not so easy as made.)

Улардан баъзилари ҳақида тўхталиб ўтамыз:

Resemblance, similar, parallel, analogous (analogy), likewise каби лексемалар икки нарса, ҳолат, шахсларнинг ифодалаб, асосан нарсалар орасидаги ўхшашликни кучайтиришда қўлланилади. (*Analogy* лексемаси қиёс муносабатини осон тушунилишини изоҳлашда кўпроқ фойдаланилади.) Масалан, “*He would have recognized her from her strong resemblance to her brother. Scientists themselves have often drawn parallels between the experience of a scientific vocation and certain forms of religious experience. The pattern of mortality is broadly similar for men and women.*”⁴²

The contrary, the opposite, the reverse сўзлари икки нарса, ҳолат, фикрларнинг ўзаро жудаям катта фарқга эга эканлигини кўрсатишда ишлатилади. Масалан, “*Whatever characterizes men, in their own view, women are defined as the opposite. Women from the higher classes have a*

⁴² Macmillan English dictionary. Malaysia, Bloomsbury Publishing, 2007, IW 5p

greater tendency to stay single. The reverse is true for men, however with a smaller proportion of working – class men marrying than their upper – contemporaries.”⁴³

Инглиз тилининг “қиёс концептуал семантика”нинг яна бир, ўзбек тилида учрамайдиган хусусияти шундаки, қиёс муносабатини ифодаловчи лексемалар орасида предлогларнинг учрашидир.

Қуйидаги предлоглар қиёс муносабатини ифодалайди:

Unlike

Versus

- *Versus* предлоги (қисқартмаси vs) икки нарсани фарқли томонини кўрсатиш учун фойдаланилади. (*American versus British female stereotype is a trans – Atlantic difference of opinion that has been raging for decades*), Бу предлогнинг яна бир қизиқарли томони у сарлавҳаларда ҳам қиёс муносабатини беради: “*Microsoft versus Unix – collision course or co-existence?*”⁴⁴

Ўзбек тилида:

Бамисоли(*бамисоли товуқдай*), мисоли(*Ёш қизча мисоли асал эди.*), мисли(*мисли ой каби*), сари(*Қимирлагани сари тобора чарчоқ сеза бошлади.*), сайин(*Кун сайин аҳволим яхшиланяпти.*), тобора(*Ишларимиз тобора яхшиланмоқда.*), ўхшаш (*Унга ўхшаш одамдан хавфсираш керак.*), бўлса/ эса (*У меҳнаткаш бўлса, укаси дангаси эди.*), лекин (*Қизлар иш қиларди, лекин ўғил болалар қувноқ ўйинлар ўйнардди.*), яхши (*Кўк кўйлақдан оқ кўйлақ яхши.*), афзал(*У отамдан афзал инсон.*), бироз (*Бу дарс олдинги дарслардан бироз қизиқарлироқ.*), пича (*Пича ҳирароқми?*), гўё (*Хол сўрашгани гўё дардига малҳам бўлди.*), худди(*Мойни айтинг худди мураббо.*), кўра (*Йакка ҳолда ишлашдан кўра, кўплашиб ишлаш яхшироқ.*),

⁴³ Macmillan English dictionary. Malaysia, Bloomsbury Publishing, 2007, IW 8p

⁴⁴ Юқоридаги манба, IW 5,7,8,9 бетлар

каби (*Унинг булоқ суви каби тиниқ мовий кўзларига боқаман.*), сингари (*Кўланка сингари ҳар томонга изғий бошлашди.*), қиёс(*Ўзингдан қиёс*), янглиғ(*Ўқлар тор ҳовлида йелпигич янглиғ ёнма-ён учди.*), мисол(*У гул мисол чиройли эди.*), мислсиз(*Замон тебранган сайин у, мислсиз зўр галвурда эланаётган бугдойнинг чоридай, четга чиқарди.*), баайни(*Бурни баайни хўрознинг тожиси..*), тус(*Азонлар айтилиб бўлгач, шаҳар бутунлай тинчланиб қабристон тусини олди.*), шакл(*Узоқдан гумбаз шаклидаги чинор кўринди.*), ҳолатида(*У сузишни енди ўрганиб дарёга биринчи марта шўнғиган киши ҳолатида эди.*), нима-ю нима(*Боланинг эси нима-ю, ёзги чақмоқ нима.*), деган сўз (гап)(*Юртдан чиқиши тириклай гўрга кириши деган сўз.*), билан тенг(*Шошилган шамол билан тенг*), билан баробар(*Аҳир бу гапинг сувга қўл урмай туриб, уни совуқ дейиши билан баробар-ку?*), бўлмоқ(*Асадга бу таъна тикан бўлиб ботди.*), қомат(*Девдек қоматли Нусрат.*), нусха(*Юзларига гилос нусхи урди.*), ранг(*Чехраси бугдой ранг тус олди*), башара(*Мажнунбашара йигит*), таҳлит(*Сен, қутурган ит таҳлит қопиши истайсанми?*), чалиш(*Бироздан сўнг узоқдан хотинчалиши йигит кўринди.*), мижоз(*Авлиё мижоз одам*), феъл(*Паст, зикна, итфеъл бир бой*), қараш қилмоқ(*Қизалоқ менга ёв қараш қилди.*), юриш қилмоқ(*Кунлар бирам тошбақ юриши қилиб, имиллаб ўтадики..*).

Бу лексик воситаларнинг кўпи олимлар томонидан ўрганилган бўлиб, улар орасида шундай воситалар ҳам борки, улар ҳақида дейарли кам фикр билдирилган. Масалан, *мислсиз* сўзи ҳозирда кам учровчи ёрдамчи сўз бўлиб, қиёс муносабатини кучайтириш ва бўрттириш учун фойдаланилади. (*Замон тебранган сайин у мислсиз зўр галвурда эланаётган бугдойнинг чоридай, четга чиқарди.*) *Баайни* сўзи ҳам камёб вербализаторлардан биридир. Бу сўз айнан ўзи, худди ўзи, ўзгинаси деган маъноларни англатади ва қиёс муносабатини кучайтиради. *Баайни* сўзи

асосан бадий нутқ услубида қўлланилади. (*Катта юзи, зўштор қип-қизил бурни баайни хўрознинг тожиси...*)⁴⁵

“Ўзбек тилида лексик воситалар билан ифодаланган ўхшатишларнинг табиати хилма-хилдир. Булардан *тус, шакл, ҳолатида, нима-ю нима, деган сўз, билан тенг, билан баробар, бўлмоқ* каби сўзлар предмет ва ҳодисалар орасидаги ўхшашликни ўз лексик маънолари орқали ифодалайди ва ўхшатиш компонентларида ўхшатма белги вазифасини ҳам бажаради. Ўхшатиш ифодаловчи *сифат, қомат, нусха, ранг, башара, тахлит, чалиш, миждоз, феъл, қараиш қилмоқ, юриш қилмоқ* каби лексик воситалар бирор сўзга бириқиб, унинг белгисини бошқа бир предметга кўчириш орқали қийслайди. Бу воситалар, асосан, нутқий метафорик сифатлашларни юзага келтиради, аммо сўз бирикмасининг таркибида ўхшатиш ифодаловчи лексик бирлик бўлганлиги учун бу воситаларни ҳам ўхшатиш доирасига киритиш мақсадга мувофиқдир.”⁴⁶

Уларни баъзиларини кўриб чиқамиз:

Тус сўзи эгалик, кишилик қўшимчалари билан келади, нарса ва ҳодисаларнинг ҳолатини, белгисини чоғиштиради. *Тус* сўзи билан нарса ва ҳодисаларнинг ўзи эмас, балки уларнинг ранг белгилари бир-бирига чоғиштирилади. (*Азонлар айтилиб бўлгач, шаҳар бутунлай тинчланиб қабристон тусини олди.*)⁴⁷

Шакл сўзи форма маъносида қўлланилганда қиёс муносабатини ифодалайди ва бош келишиқда турган ўхшовчи образдан кейин келиб, эгалик ва келишиқ қўшимчаларини олади: *шаклда, шаклидаги* каби. (*Қишлоқ йўлига киришлари билан рўпарадан, анча олисдан ҳам барглари кўм-кўк бўлиб турган гумбаз шаклидаги чинор кўринди*)⁴⁸

⁴⁵ Мукаррамов М. Ўзбек тилида ўхшатиш. Т, “Фан”, 1976, 59-60б

⁴⁶ Юқоридаги манба, 61б

⁴⁷ Юқоридаги манба, 61б

⁴⁸ Юқоридаги манба, 62б

Ҳолатида сўзи ўхшовчи образдан кейин келиб, ўхшатма белги сифатида қўлланилади. Агар *ҳолатида* сўзи нарса ва ҳодисалар орасидаги ўхшашликни ҳолат томонидан юзага чиқарса қуйидаги сўзлар билан синоним бўлади: хотирлатмоқ, эслатмоқ, ўхшамоқ феъллари билан синоним бўлади. (*Набижон дарёга биринчи марта шўнғиган киши ҳолатида эди. – Набижон дарёга биринчи марта шўнғиган кишини хотирлатарди.*)⁴⁹

Нима-ю нима сўзлари икки нарса ва ҳодисанинг белги, хусусиятларини мазмуний жиҳатдан чоғиштиради. Бунда *нима-ю нима* сўзининг *нима-ю* қисми ўхшатиловчи объектдан кейин, *нима* қисми ўхшовчи образдан кейин келади. Бу сўзлар *каби, сингари, ўхшамоқ, эслатмоқ, ҳудди ўзи, ўзгинаси* кабилар билан синоним бўла олади. (*Боланинг эси нима-ю, ёзги чақмоқ нима.*)⁵⁰

Деган сўз (ган) сўзлари ҳам икки нарса ва ҳолатни бир – бирига чоғиштиради. Бунда ўхшатиловчи объект билан ўхшовчи образни ифодалаган сўзлар ҳаракат номи шаклида келиб, *деган сўз* ўхшатма белги ва ўхшатиш ифодаловчи восита вазифасини бажаради. (*Юртдан чиқиш тириклай гўрга кириш деган сўз.*)⁵¹

Билан тенг (*баъзида тенги, билан теппа – тенг шаклида*) лексемалари қиёсда ўхшатма белги сифатида қўлланилади. (*онангиз билан тенг аёлман. – Онангиз тенги аёлман.*)⁵²

Билан баробар (*баъзида – а/ку қўшимчалари билан бирга*) лексемалари қиёс муносабатларини параллел тенглаштириш маъноси

⁴⁹ Муқаррамов М. Ўзбек тилида ўхшатиш. Т, “Фан”, 1976, 62б

⁵⁰ Юқоридаги манба, 63б

⁵¹ Юқоридаги манба, 63б

⁵² Юқоридаги манба, 64б

билан чоғиштиради. (*Бошлиқлар билан тортишиш шамолга қарши тупуриш билан баробар.*)⁵³

Бўлмоқ феъли равишдош *-иб* формасини олганда ўхшатиш муносабатини ифодалайди. Масалан, “*Мирсалимга бу таъна тикан бўлиб ботди, зардаси қайнади.*”

Сифат лексемаси шахс ва нарсанинг ранг, белги, шакл, кучлилик/улканлик (асосан *дев* сўзи билан) маъно хусусиятларини қиёслашда қўлланилади ва бунда ижобий (*девсифат йигит*) ва салбий (*мурдасифат юз*) маънолар англашилади. Масалан, “*Мавлуда бугун сурнайсифат шим билан галати кўйлак кийиб келди.*”⁵⁴

Қомат сўзи бирор ўзакка қўшилиб, унинг лексик маъноси билан биргаликда кишининг кучлилик, забардастлик белгисини ва нарсаларнинг улканлик, катталиқ белгиларини қиёслайди. (*Девқомат Шухрат кабоп пишириш учун узун косов билан гулхандан лангиллаб турган чўғларни сидириб олди.*)⁵⁵

Тахлит лексемаси одамнинг ташқи белгисини қиёслайди ва унда ҳам ижобий ва салбий маънолар англашилади. (*У қутирган ит тахлит, кўринганни тишлаб, қошишни истайди.*)⁵⁶

Чалиш сўзи хотин, ҳезалак каби сўзларга қўшилиб, қиёс муносабатини беради. У асосан салбий маънода қўлланилади. (*Бошлиқнинг бу қилиги хотинчалишироқ бўлиб туюлди.*)

Мижоз сўзи салбий маънода кишиларнинг белги-хусусияти ва одатларини қиёслашда қўлланилади. (*У авлиёмижоз одамнинг қўлига сув қуйиб юборганига ҳаваси келди.*)

⁵³ Мукаррамов М. Ўзбек тилида ўхшатиш.Т, “Фан”, 1976, 656

⁵⁴ Юқоридаги манба, 666

⁵⁵ Юқоридаги манба, 686

⁵⁶ Юқоридаги манба, 706

Феъл сўзи санокли сўзларга қўшилиб қиёс муносабатини ифодалайди. (*У зикна, итфеъл бир бой.*)

Қараш қилмоқ (қараш) сўзлар орқали хайвонларнинг қарашига одамларнинг қарашини қиёсланади: “ *У менга қуш қараш қилди.*”

Юриш қилмоқ сўзлари билан асосан предметларнинг ҳаракати қиёсланади: “*Кунларам тошбақа юриш қилиб, имиллаб ўтарди.*”⁵⁷

III фраземалар орқали:

Инглиз тилида айниқса оғзаки нутқда бирон-бир инсонни, предметни ўзини ёки ҳолатини бирон - бир образга-нарсга, шахсга ўхшатишда қўлланилади ва кўпинча S+LIKE+NOUN ва AS+ADJECTIVE+AS+A+NOUN тартибида келади.

Ҳусусан:

To drink+like+noun	to drink like a fish
To eat+like+noun	to eat like a horse
To+go+like+noun	to go like a the wind
To smoke+like+noun	to smoke like a chimney
To fit +smb+like+ noun	to fit him like a glove
To work+like+noun	to work like a bee
To be+ like+noun	to be like a fox
To swear+like+noun	to swear like trooper
As dry as a bone	
As blind as a bat	
As brown as a berry	
As cold as ice	
As fit as a fiddle	
As light as a feather	
As quick as lightening	
As tough as leather	

⁵⁷ · Мукаррамов М.Ўзбек тилида ўхшатиш.Т, “Фан”, 1976, 61-72 б.

As cool as cucumber
 As plain as a pikestaff
 As pretty as a picture
 As dead as doornail
 As busy as a bee
 As playful as a kitten
 As dry as a dust
 As vain as a peacock
 As hard as a nails

Ундан ташқари қуйидаги предлоглар катнашган фраземалар ҳам қиёс муносабатини беради:

In contrast to/with

By/in comparison with

As against

As opposed to

Масалан, *Judges might find it easier to sympathise with and understand business law – breakers in comparison with other types of criminal.*⁵⁸

Ўзбек тилида эса фраземалар асосан морфемик воситаларнинг лексемалар билан бирикуви асосида ҳосил бўлади.

Масалан:

От+га+ўхшамоқ /ўхшагани /ўхшаган /ўхшашроқ /ўхшарди /айланди/ хос /монанд

Гулга ўхшамоқ, унга ўхшагани, қушга ўхшаган, укасига ўхшашроқ, кўзлари ўхшарди, париға айланди, маликаларга хос, ўзига монанд.

От+ни +эслатмоқ/хотирламоқ

Унинг қиёфаси менга итни эслатди. Домла ҳаракатда айнан, юришда ўрдакни хотирлатар эди.

От+нинг+ўзи/ўзгинаси

⁵⁸ Macmillan English dictionary. Malaysia, Bloomsbury Publishing, 2007, IW 9p

Бу қиз қўғирчоқнинг ўзгинаси-ку. Худди шу қудратнинг ўзи.

Мисли/бамисоли/мисоли+ ой+ каби

Қиз бамисоли ой каби юриб келарди.

От+дек+бақувват

Нодирбек арслондек бақувват йигит.

От+дан+фарқи йўқ/кўра

Бошлиқнинг шайтондан нима фарқи йўқ. Нок олмадан кўра ширин.

Кўпинча ўзбек тилида кўчма маънода қуйидаги фразема кўп учрайди:

От+дай+сифат *Унинг тили чайондай захар. Устоз бизни кўриб елдай югурди.*

IV Сентенсемалар орқали. (Таксемалар)

Инглиз ва ўзбек тилларида қиёс муносабатини энг кўп воқеалантирувчи вербализатордан бири сентенсемалар бўлиб, улар тилда монотаксема ва политаксема шаклида келади.

Инглиз тилида:

а) монотаксема

She talked to us like a teacher.

The pen is like your pen

б) политаксема

As if obeying him, I turned and stared into his face.

He prospered greatly, almost as though against his will.

Ўзбек тилида:

а) монотаксема

У укасидан акллироқ.

Мен ундан эхтиёткорроқман.

б) политаксема

У вазифани отаси айтганидек бажарди.

Мен ўзимни гуеки/худди/ бамисоли онадан янгидан тугилгандек сездим.

V фразеомалар орқали:

Инглиз тилида қиёс фразеомаларни яшашда асосан *as though* ва *as if* воситаларидан фойдаланилади ва бунда бирор нарса, шахс ёки ҳолат реал бўлмаган ҳолатга қиёсланади(хусусан *feel* ва *look* феъллари билан) :

Масалан:*He is attracting everybody's attention as if he were the centre of the universe. The floods were rising and it was as if it was the end of the world. She looked as though she had the earth on her palm.*

Норасмий инглиз тилида *like as though* ва *as if* ўрнида ишлатилиши мумкин.

Ўзбек тилида фразеомалар қиёс муносабатини кучайтириб ифодалаш учун фойдаланилади ва бунда ҳам ўхшатиш реал эмас, балки тасаввурдаги нореал ҳолатда бўлади.

Мен отдекман, ўзинг қалайсан.

У мусичадек безубор эди.

У ит қувган соқовдек, ҳолтиллаб ҳовлига кириб келди.

VI текстемалар орқали:

Инглиз тилида:

You are a big man and I'm a small one. I mean you're a post holder and I'm a simple man.

Ўзбек тилида баъзан қиёс муносабати бир ёки икки гапда эмас, балки бутун бир матнда акс этади. Хусусан ўзбек тилида ўхшатишнинг инкор, кинояли, сатирик турлари матн орқали ифодаланилади.

Сиз каттасиз. Мен кичкина одамман. Демоқчиманки, сиз амалдор. Мен эса оддий одамман.

Қани, бирор ҳолис одам бўлса айтсин: бутун Ўзбекистонни қидирганда Нурматжонга ўхшаган йигитдан яна биронта топилармикин? Бўлган тақдирда ҳам ёшлигида ойнага қараб Нурматжондай, "мен қанақа хотин олар эканман" деган эмасдир.

Юқоридаги барча вербал воситалар қиёсланаётган тилларда қиёс лингвокогнитив майдони мавжудлигини кўрсатади. Ушбу майдон таркиби ядро доминанта ва перфериядан иборатдир. Унинг ядросини энг аниқ қиёс маъносини берувчи, таксема (монотаксемалар ва политаксемалар), доминантасини фраземалар, перфериясини лексема ва текстема каби – конституэнтлар ташкил этади. Қиёсланаётган тилларда “қиёс майдони”ни ташкил этувчи конституэнтлар бир тилдан иккинчи тилга ўгирилаётганда фақат шу майдон доирасида амалга оширилади ва унда конституэнтлар ўртасида синонимик, омонимик ва антонимик муносабатлар ҳам кузатилади.

Биринчи боб бўйича хулосалар

Гап бир ёки ундан ортиқ эга – кесимли таркибга эга бўлган синтактик бирлик бўлиб, у маълум воқеаликни ўзида акс эттиради ва тузилишига кўра содда ва қўшма гапларга бўлинади.

Битта эга – кесимга эга бўлган гаплар содда гаплар, икки ёки ундан ортиқ эга – кесимли муносабатини ифодаловчи гаплар қўшма гаплар ҳисобланади. Қўшма гаплар ўз ўрнида боғланган, боғловчисиз, эграш гапли ва мураккаб қўшма гапларга бўлинади.

“Қиёс концептуал семантикаси” универсал табиатга эга ва у ҳамма тилларда, хусусан ўзбек ва инглиз тилларда ўзига ҳос вербал воситалар орқали воқеалантиради. Бу вербал воситалар тилшуносликда вербализаторлар деб юритилади.

Ҳар бир конкрет тилда “қиёс концептуал семантикаси”(ёки “концепти”) тилларда қуйидаги вербализаторлар орқали воқелантирилади:

- 1) интонема
- 2) морфофонема

3) морфема

4) лексема

5) фразема

6) сентенсема

7) фразеоема

8) текстема

Юқоридаги қиёс концептини воқеалантирувчи вербал воситаларни янги атама “компаратема” атамаси билан аташ мумкин.(морфофонокомпаратема, морфокомпаратема, лексокомпаратема, синтаксокомпаратема, фразеокompatема, текстокомпаратема.)

II БОБ.ТУРЛИ ТИЗИМДАГИ ТИЛЛАРДА ҚИЁС ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАПЛАР ТИПОЛОГИЯСИ.

2.1.Турли тизимли тилларда қиёс эргаш гапли қўшма гапларнинг структурал-семантик ва коммуникатив-прагматик турлари типологияси.

Тилшуносликда қўшма гап ва унинг синтактик масалалари анчадан бери ўрганилиб келинади. Аммо ўрганилиш давомида фақат бир томонлама, яъни шаклдан мазмунга қараб ёндашилди.

Хусусан, Г.А.Золотованинг фикрича синтактик хусусиятлар мутаносиблиги асосан уч савол ёрдамида изоҳланади: нима?, қандай? ва нима учун?. Бунда нима синтактик бирликларнинг мазмуниятини-семантикасини, қандай ифода воситаларни-конструкцияларни, нима учун? синтактик бирликларнинг функционал мақсадини ифодалаган. Қўшма гап юзасидан олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бу тадқиқотларда фақат қандай? ёки нима билан? деган саволга жавоб берилган, нима? саволига эса деярли жавоб берилмаган. Бундан кўриниб турибдики, қўшма гап масаласида фақат шаклдан мазмунга қараб ёндашилган.

Масалан, ўзбек тилида эргаш гапли қўшма гапларни ўрганишда, Ғ.Абдурахмонов, М.А.Асқарова, А.Бердиалиевалар ўзларининг тадқиқотларида мазмунга эмас шаклга ёндашганлар. Хусусан, М.А.Асқарова ўзининг тадқиқотида эргаш гапли қўшма гаплардаги эргашиш усуллари ва шакллари, унинг боғловчи воситаларини тахлил қилган. Аммо кейинги тадқиқотларда А.Бердиалиев ўзининг докторлик диссертациясида эргаш гапли қўшма гапларнинг семантик жиҳатдан, яъни унинг парадигматик ва синтагматик хусусиятлари, мазмуний-сигнификатив хусусиятлари, улардаги синтактик омонимия, полисемия, кўп функционаллигини ёритиб берган.

Бундай ҳолат нафақат фан ривожига балки таълим соҳасида ҳам кўзга ташланди. Ўқитувчи грамматикага оид мавзуни, масалан, қўшма гапни

тушунтиришда унинг мазмуний томонидан кўра эга қаерда келиши каби шаклий тамойиллар асосида ёритиб берарди.

Тилшуносликнинг дастлабки босқичларида синтактик бирликлар асосан семасиологик жиҳатдан ўрганилган, ономасиологик жиҳатдан эмас. Айнан шу масала ҳозирда долзарб бўлиб, кўплаб тадқиқотлар фақатгина шаклдан мазмунга эмас, мазмундан шаклга тамойили асосида ҳам бўлиши талаб қилинмоқда.

Демак, юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб шуни айтишимиз мумкинки, қўшма гап икки томонга- шакл ва мазмун томонга эга.

“Эргаш гапли қўшма гапларнинг мазмун синтаксиси ўрганилар экан, айтиб ўтилган ҳар икки тамойил- “мазмундан шаклга” ва “шаклдан мазмунга” тамойилига амал қилиш мақсадга мувофиқ.

Гапнинг синтактик қурилиши жуда чуқур ва ҳар тарафлама ўрганилган, бунинг устига синтактик қурилиш аниқ, кўриш мумкин бўлган сатҳдир. Шунинг учун гап қурилишини белгилаш бирон-бир қийинчилик туғдирмайди. Лекин мазмуний синтаксисдаги иккинчи муҳим жиҳат-мазмуний сатҳ ҳам бор, бироқ гапнинг мазмун жиҳатини белгилаш унчалик ҳам осон эмас.”⁵⁹ Гап мазмуни ундаги воқеага боғлиқ бўлиб, содда гаплардан кўра қўшма гапларда бу воқеалар ўртасидаги муносабат аниқроқ ифодага эга.

Шакл ва мазмун ўртасидаги алоқа мураккаб бўлиб, улар баъзан бир-бирлари билан мувофиқ, баъзан номувофиқдир. Бундай номувофиқлик асосан содда гапларда ўрганилган, қўшма гапларда эса деярли алоҳида ўрганилмаган. Қўшма гапда бу ҳолат асосан ортиқчалик тенденцияси асосида бўлади.

59 Маҳмудов Н, Нурмонов А. “Ўзбек тилининг назарий грамматикаси” (синтаксис), Т, 1995, 99б

Ҳозирги кунда гап семантикасида структурал - семантика масаласи муҳимдир. Н.Ю. Шведованинг фикрича структурал - семантиканинг муҳим вазифаси шаклий синтактик моделларнинг хусусий маъноларини аниқлашдан иборат. Бунда икки йўналиш мавжуд бўлиб, улар:

1) гапнинг тузилиш схемаси мазмуний ўзига ҳосликка эга

2) гапнинг мазмуний тузилиши тузилиш схемасидан ташқарида ажратилади.

Тилларда эргаш гапли қўшма гапларни структурал-семантик жиҳатдан тавсифлаш деярли бир хил.

1. Баъзи рус тилшунослари эргаш гапли қўшма гапларни таснифлашда уч тамойилга асосланганлар. “Бунда эргаш гапли қўшма гаплар яхлитлигича содда гапларга, эргаш гапларни эса содда гап бўлақларига ўхшатишга асосланган тасниф жуда кенг тарқалди.”⁶⁰ Бу таснифга кўра эга, кесим, тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол эргаш гап турлари фарқланиб, ҳол эргаш гапларнинг ўрин, равиш, даража, миқдор, пайт, сабаб, мақсад, шарт, тўсиқсизлик каби турлари ҳам ажратилди.

2. Эргант шаклан , боғловчи воситаларга кўра эргаш гапли қўшма гапларни икки типини: боғловчи вазифасидаги сўзли гаплар (нисбий эргашиш) ва боғловчили гаплар (боғловчили эргашиш) типларини беради.

3. Н.С. Поспеловга кўра эргаш гапли қўшма гаплар таркибий-мазмуний таснифга асосан икки типга –бир ва икки аъзоли типга ажратилган. Икки ва бир аъзоли гапларнинг асосий фарқи бош ва эргаш қисмлар ўртасидаги алоқадорликнинг табиатига боғлиқ. Икки аъзоли гапларда эргаш қисм бош қисм билан яхлитлигича боғланиб, бир аъзоли гапларда эргаш қисм бош гапдаги бир сўзга тегишли бўлади, бунда у бу сўзни ривожлантириди.

⁶⁰ Маҳмудов Н, Нурмонов А. “Ўзбек тилининг назарий грамматикаси” (синтаксис), Т, 1995, 99б

Умумий қилиб Н.А. Баскаков эргаш гапли қўшма гапларни уч гуруҳга ажратади:

1.Бош гапдаги субстантив бўлақлар билан алоқаланадиган эргаш гаплар.(тўлдирувчи эргаш гаплар)

2.бош гапдаги атрибутив бўлақлар билан алоқаланадиган эргаш гаплар(кесим ва аниқловчи эргаш гаплар)

3.Бош гапдаги атрибутив-ҳол бўлақлар билан алоқаланадиган эргаш гаплар.(сабаб-натижа,шарт, тўсиқсиз,мақсад, пайт,ўхшашва чоғиштириш эргаш гаплар киради.)

Яна бир олимлар эргаш гапларни мазмуни -шаклий жиҳатдан қуйидаги турларга ажратадилар:

1.Эга эргаш гаплар: *Фақат шуниси эсидаки, у бутунлай ҳайрлашиб, орани узмоқчи бўлди.*⁶¹

2. Кесим эргаш гаплар: *Сиздан умидимиз шундаки, кўпчиликнинг фикрига қарши турасиз.*⁶²

3.Тўлдирувчи эргаш гаплар: *Сиз шунга шшонингки, станциядаги сўзим – сўз.*⁶³

4. Аниқловчи эргаш гаплар: *Бу шундай дард эдики, на чайнаганингизда бир маза бор, на ютганингизда.*⁶⁴

5. Равиш эргаш гаплар:*Юраги дук – дук ургани ҳолда, югуриб уйга кирди.*⁶⁵

5.Ўлчов-даража эргаш гаплар: *У йигит қанча ишлаган бўлса, Сиддиқжон ҳам шунча ишлашга аҳд қилди.*⁶⁶

⁶¹ Ўзбек тили грамматикаси. 2-том. Синтаксиси.-Т: Фан, 1976.- 363б

⁶² Юқоридаги манба, 364б

⁶³ Юқоридаги манба, 364б

⁶⁴ Юқоридаги манба, 365б

⁶⁵ Юқоридаги манба, 409б

6. Чоғиштириш- ўхшатиш эргаш гаплар: *Мисраларда сўзлар гавҳар каби ёнади, гўё янги ранглар, янги жилвалар билан порлайди.*⁶⁷

7. Сабаб эргаш гаплар: *Бахтим борки, ҳар нарса гўзал кўринади менинг кўзимга.*⁶⁸

8. Мақсад эргаш гаплар: *Яхшилаб таъзирини бериш керак, токи бошқаларга намуна бўлсин.*⁶⁹

9. Пайт эргаш гаплар: *Орадан кўп вақт ўтмай, кимдир шоирнинг келганидан ҳабар берди.*⁷⁰

10. Ўрин эргаш гаплар: *Қаерда жамоа аҳил бўлса, у ерда меҳнат унумдор бўлади.*⁷¹

11. Шарт эргаш гаплар: *Сен етиб келсанг, бирга борамиз.*⁷²

12. Тўсиқсиз эргаш гаплар: *Гарчи улар жой – жойига ўтирган бўлсалар ҳам биронтасининг қўли ишга бормасди.*⁷³

14. Натижа эргаш гаплар: *Бу қийин иш бир неча ҳафта ичида уни шунча сўлитдики, Саудий уни кўчада кўриб дарров пайқади.*⁷⁴

Хусусан, эргаш гапли қўшма гапларнинг қиёс эргаш гапли қўшма гап турининг структурал семантик тавсифи мавжуд бўлиб, қуйида инглиз

⁶⁶ Маҳмудов Н.Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995, 1366

⁶⁷ Ўзбек тили грамматикаси. 2-том. Синтаксиси.-Т: Фан, 1976.- 375б

⁶⁸ Юқоридаги манба, 368б

⁶⁹ Юқоридаги манба, 376б

⁷⁰ Юқоридаги манба, 395б

⁷¹ Омонтурдиев Ж. Омонтурдиев А. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Ўқув қўлланма. –Т.:2014. – 476

⁷² Ўзбек тили грамматикаси. 2-том. Синтаксиси.-Т: Фан, 1976.- 373б

⁷³ Юқоридаги манба, 374б

⁷⁴ Юқоридаги манба, 368б

ва ўзбек тилларда қиёс эргаш гапли қўшма гапларнинг структурал - семантика тавсифини яратишга ҳаракат қилдик.

(Изоҳ: Pr cl, Б г-бош гап, Sb cl, Эрг г-эргаш гап)

Инглиз тилида:

1. Pr Cl (n/Prg+Vg)+ as+adj+as + Sbcl (N/Prg+Vg)

*He was as excited as she was.*⁷⁵

2. Pr Cl (n/Prg+Vg)+ as+adv+as + Sbcl (N/Prg+Vg)

*He works as efficiently as you do.*⁷⁶

3. Pr Cl (n/Prg+Vg)+ like + Sbcl (N/Prg+Vg)

*I never see a young woman in any station conduct herself like you have conducted yourself*⁷⁷

4. Pr Cl (n/Prg+Vg)+ unlike + Sbcl (N/Prg+Vg)

*The show was unlike anything we'd ever seen before.*⁷⁸

5. Pr Cl (n/Prg+Vg)+in contrast to + Sbcl (N/Prg+Vg)

*The cats will often sleep the day away in contrast to dogs never settle down*⁷⁹

6. Pr Cl (n/Prg+Vg)+ as the reverse + Sbcl (N/Prg+Vg)

*The situation is the reverse of what it seems.*⁸⁰

7. Pr Cl (n/Prg+Vg)+identical to + Sbcl (N/Prg+Vg)

*This house is almost identical to the one where I lived as a child.*⁸¹

8. Pr Cl (n/Prg+Vg)+unidentical to + Sbcl (N/Prg+Vg)

⁷⁵ Пыш В.А. The Structure of Modern English. М.: Prosveshcheniye, 1965.- 300p

⁷⁶ Пыш В.А. Кўрсатилган асар, 301б

⁷⁷ Пыш В.А. Кўрсатилган асар, 300б

⁷⁸ Macmillan English dictionary. Malaysia, Bloomsbury Publishing, 2007, 1636p

⁷⁹ <http://www.wordreference.com/in-contrast> -to-with- by-contrast.406286/

⁸⁰ Macmillan English dictionary. Malaysia, Bloomsbury Publishing, 2007, 1275p

⁸¹ Юкоридаги манба, 748 б

*Somebody told me that today's test was unidentical to the one we had last year.*⁸²

9. Pr Cl (n/Prg+Vg)+ analogous with + Sbcl (N/Prg+Vg)

*That is analogous with the thing we discovered there.*⁸³

10. Pr Cl (n/Prg+Vg)+ unanalogous with + Sbcl (N/Prg+Vg)

*The thing you have found was unanalogous with the one discussed here.*⁸⁴

11. Pr Cl (n/Prg+Vg)+versus + Sbcl (N/Prg+Vg)

*An analysis of the operation principle of the junction barrier controlled Schottky rectifier is made and the device characteristics versus structural parameters is discussed.*⁸⁵

12. Pr Cl (n/Prg+Vg)+ in the same way as + Sbcl (N/Prg+Vg)

*You should act in the same way as your friend did.*⁸⁶

13. Pr Cl (n/Prg+Vg)+in the same manner as + Sbcl (N/Prg+Vg)

*Behave yourself in same manner as your brother does.*⁸⁷

14. Pr Cl (n/Prg+Vg)+ in the same conduct as + Sbcl (N/Prg+Vg)

*He treated Jack in the same conduct as he did.*⁸⁸

15. Pr Cl (n/Prg+Vg)+ in the same behavior as + Sbcl (N/Prg+Vg)

*You should communicate with the people in the same behavior as you did.*⁸⁹

16. Pr Cl (n/Prg+Vg)+in the same fashion as + Sbcl (N/Prg+Vg)

⁸² <http://www.Manythings.org/sentence/words/identical/1.html>

⁸³ <http://www.collinsdictionary.com/analogous>

⁸⁴ <http://www.dictionarycambridge.org/unanalogous>

⁸⁵ <http://www.quora.com/sentence/versus>

⁸⁶ <http://www2.ivcc.edu/rambo/sentences>

⁸⁷ <http://www.dictionary.com/browse/same/sentence>

⁸⁸ <http://www.phrasemix.com/answers/context..>

⁸⁹ <http://www.studyandexam.com/sentence-same>

*The girls clothes were made in the same fashion as they were done in London.*⁹⁰

17. Pr Cl (n/Prg+Vg)+ in the same model as + Sbcl (N/Prg+Vg)

*The frames were made in the same model as we have there.*⁹¹

18. Pr Cl (n/Prg+Vg)+in the same shape as + Sbcl (N/Prg+Vg)

*The flat was built up in the same shape as that of a ball.*⁹²

19. Pr Cl (n/Prg+Vg)+ in the same form as + Sbcl (N/Prg+Vg)

*The figures were explained to us in the same form as you did.*⁹³

20. Pr Cl (n/Prg+Vg)+ such...as + Sbcl (N/Prg+Vg)

*He is such a good friend that you can work with him long.*⁹⁴

21. Pr Cl (n/Prg+Vg)+ a sort of +noun+as + Sbcl (N/Prg+Vg)

*I understand Tom had some sort of accident as John had.*⁹⁵

22. Pr Cl (n/Prg+Vg)+a kind of+ noun+as + Sbcl (N/Prg+Vg)

*There are many kinds of birds as we see in our garden.*⁹⁶

23. Pr Cl (n/Prg+Vg)+similar to+noun+as + Sbcl (N/Prg+Vg)

*Their furniture is similar to the ones we have in the dormitory.*⁹⁷

⁹⁰ <http://www.dictionary.com/browse/same/sentence>

⁹¹ <http://www.phrasemix.com/answers/context..>

⁹² <http://www2.ivcc.edu/rambo/sentences>

⁹³ Smith.M.C. Polar Star. London, 1989. -121p

⁹⁴ Stephenie M. Twilight. New York. 2005. -73p

⁹⁵ <http://www.sentence.yourdictionary.com/sentence/sort of>

⁹⁶ <http://www.dictionary.cambridge.org/kinds>

⁹⁷ <http://www.dictionary.com/browse/same/sentence>

24. Pr Cl (n/Prg+Vg)+alike + Sbcl (N/Prg+Vg)

*There were the people, both ordinary and businessmen alike who are our partners.*⁹⁸

25. Pr Cl (n/Prg+Vg)+as against + Sbcl (N/Prg+Vg)

*We should think of something as against the one we had last year.*⁹⁹

26. Pr Cl (n/Prg+Vg)+whereas + Sbcl (N/Prg+Vg)

*The majority of students of English are women, whereas the majority of academics teaching it are male.*¹⁰⁰

27. Pr Cl (n/Prg+Vg)+while + Sbcl (N/Prg+Vg)

*Biographies will be included in the present chapter, while catalogues will be treated in the next.*¹⁰¹

28. Pr Cl (n/Prg+Vg)+ on the one hand + Sbcl (N/Prg+Vg)on the other hand.

*On the one hand, expansion would be good, but on the other hand it would be sad to lose the family atmosphere.*¹⁰²

29. Pr Cl (n/Prg+Vg)+in comparison with + Sbcl (N/Prg+Vg)

This is much better in comparison with what you did there.

30. Pr Cl (n/Prg+Vg)+ adj+er/more than + Sbcl (N/Prg+Vg)

*I am taller than he is.*¹⁰³

⁹⁸ <http://www.phrasemix.com/answers/context..>

⁹⁹ <http://www2.ivcc.edu/rambo/sentences>

¹⁰⁰ Macmillan English dictionary. Malaysia, Bloomsbury Publishing, 2007, IW 9p

¹⁰¹ Юқоридаги манба, 96

¹⁰² Юқоридаги манба, 96

31. Pr Cl (n/Prg+Vg)+ adv+er/more than + Sbcl (N/Prg+Vg)

*He works better than they do.*¹⁰⁴

32. Pr Cl (n/Prg+Vg)+ as if + Sbcl (N/Prg+Vg)

*He was white and jaded, as if he had not slept for many nights.*¹⁰⁵

33. Pr Cl (n/Prg+Vg)+ as though + Sbcl (N/Prg+Vg)

*Mike acted as though nothing had happened.*¹⁰⁶

34. Pr Cl (n/Prg+Vg)+ ...not so+adj+as + Sbcl (N/Prg+Vg)

*He is not clever as his brother is.*¹⁰⁷

35. Pr Cl (n/Prg+Vg)+...not so+adv+as + Sbcl (N/Prg+Vg)

She runs not so fast as her sister does.

36. Pr Cl (n/Prg+Vg)+as + Sbcl (N/Prg+Vg)

*Two is to four as four is to eight.*¹⁰⁸

37. Pr Cl (n/Prg+Vg)+the more..., the more as + Sbcl (N/Prg+Vg)

The more you read, the more you forget as everybody does.

38. Pr Cl (n/Prg+Vg)+ as...,more + Sbcl (N/Prg+Vg).

You should tell me as more stories as you did about Russia.

Узбек тилида:

¹⁰³ Пуйш В.А. The Structure of Modern English. М.: Prosveshcheniye, 1965.- 301p

¹⁰⁴ Юкоридаги манба, 301б

¹⁰⁵ Юсупов Ў.Инглиз тили грамматикасидан универсал қўлланма. Т.: Акаденашр. 2015- 304б

¹⁰⁶ Юсупов Ў.Кўрсатилган китоб, 304б

¹⁰⁷ Кўрсатилган китоб, 305б

¹⁰⁸ Кўрсатилган китоб, 304б

1. Эрг, Бг + **яхши**.

Кўйдек бўлиб минг йил яшагунча, шердай бўлиб бир кун яшамоқ яхши. ¹⁰⁹

2. Эрг, Бг + **афзал**.

Юз йил ибодат қилгандан кўра, бир соат фикр юритган афзал. ¹¹⁰

3. Эрг+**баайни**, Бг

*Комил баайни оидинда уйқусираб юрадиган дардчил одамдай
Абдужабборхўжабой, маҳкамбой ака ва маҳалла элликбошисининг
орқасидан богини айланиб чиқди.* ¹¹¹

4. Бг, Эрг+ **деган сўз(гап)**

*Гапнинг қисқаси, жадид, қадим...дин деб дод – фарёд кўтаришлар сув
лойлатиб балиқ овлаш каби гап...* ¹¹²

5. Эрг +–**гунча**, Бг

Йигит кишининг боши эгилгунча, хўкизнинг шохи синсин. ¹¹³

6. Эрг +–**гандан кўра**, Бг

Сенга зарра озор бергандан кўра, Яхшироқ кўзимга тупроқ тўлгани. ¹¹⁴

7. Эрг +–**май**, Бг

Биз билан бирга юрмай, ўл. ¹¹⁵

8. Эрг +–**ганда(-ганидек) каби(сингари)**, Бг

¹⁰⁹ Ўзбек тили грамматикаси. 2-том. Синтаксиси.-Т: Фан, 1976.- 428б

¹¹⁰ Юқоридаги манба, 428б

¹¹¹ Мукаррамов М. Ўзбек тилида ўхшатиш. Т, “Фан”, 1976, 60б

¹¹² Мукаррамов М. Кўрсатилган китоб, 63б

¹¹³ Ўзбек тили грамматикаси. 2-том. Синтаксиси.-Т: Фан, 1976.- 428б

¹¹⁴ Юқоридаги манба, 429б

¹¹⁵ Ўзбек тили грамматикаси. 2-том. Синтаксиси.-Т: Фан, 1976. - 428б

9.Эрг + **-дек** , Бг

*Дори беморни тузатганидек, танқид камчиликни тузатади.*¹¹⁶

10.Эрг + **гани каби(сингари)**, Бг

*Репин ишлаган расмлар ҳудди кўз ўнгингда жонли киши гавдалангани сингари, ажойиб ишланган.*¹¹⁷

11. Эрг + **каби**, Бг

*Бомбанинг зарби билан ҳалок бўлаётган инсонлар каби ўрмонлар ҳам ҳар дақиқа қасир – қусур синаётган қайинлар, арчалар фигони билан тўла.*¹¹⁸

12.Эрг+ **юриш қилмоқ** , Бг

*Кунлар бирам тошбақа юриш қилиб, имиллаб ўтадики...*¹¹⁹

13.Эрг+-**ганига ўхшаш**, Бг

Йўл борган сари узоқлашиб кетаётганга ўхшаб, сира поёни кўринмасди.
120

14.Эрг +**гўё/гўёки**, Бг

*Челакчи эшик олдида тақирлатиб иш бошлади, гўё тункасозлик дўкони кўчиб келган эди.*¹²¹

15.Эрг +-**ларга ҳос**, Бг

¹¹⁶ Ўзбек тили грамматикаси. 2-том. Синтаксиси.-Т: Фан, 1976. - 430б

¹¹⁷ Ўзбек тили грамматикаси. 2-том. Синтаксиси.-Т: Фан, 1976.- 430б

¹¹⁸ Мукаррамов М. Ўзбек тилида ўхшатиш.Т, “Фан”, 1976, 49б

¹¹⁹ Мукаррамов М. Кўрсатилган асар, 72б

¹²⁰ Ўзбек тили грамматикаси. 2-том. Синтаксиси.-Т: Фан, 1976.- 430

¹²¹ Юқоридаги манба, 429б

*Бобомирзо севинганидан раққосаларга хос қўлини қирсиллатиб,...ўйинга тушиб кетди.*¹²²

16.Эрг+янглиғ, Бг

Бордилар аҳбобу мен йиғлармен ўз аҳволимга,

Карвондин қопгон ит янглиғки қилгай ноалар. (Навоий)

17.Эрг+ худди, Бг

*Кампир худди ҳозир ўғли келиши билан қўл ушлашиб кетаётгандай, эшикка қаради.*¹²³

18.Эрг+ бамисоли, Бг

*Уйга келиб, эндигина ўтириб, бир пиёла чойни қўлига олган эди, сиз эсига тушиб қолдингиз, бамисоли томоғидан гин бўғилгандай бўлди.*¹²⁴

19.Эрг+ мисоли, Бг

*Ирина кўксимга ўзини ташлаб, бўйнимдан маҳкам қучоқлаб олибди, мисоли илдизига болта урилган дарахт сингари силкинади, титрайди...*¹²⁵

20.Бг + шундай/шу қадар/ шунча+ - ки, Эрг +гўё

*Эрталабки шамол дарё бўйлаб шундай эсдики, гўё тинч оқаётган сувнинг текис юзи бурилиб кетди.*¹²⁶

Қиёс эргаш гапли қўшма гапларнинг коммуникатив-прагматик жиҳатидан тавсифи унинг фойдаланиш мақсадига кўра тавсифи бўлиб,

¹²² Мукаррамов М.Кўрсатилган асар, 376

¹²³ Ўзбек тили грамматикаси. 2-том. Синтаксиси.-Т: Фан, 1976.- 376б

¹²⁴ Мукаррамов М.Ўзбек тилида ўхшатиш.Т, “Фан”, 1976, 576

¹²⁵ Мукаррамов М.Кўрсатилган асар, 596

¹²⁶ Ўзбек тили грамматикаси. 2-том. Синтаксиси.-Т: Фан, 1976.- 367б

бунда сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги тушуниш жараёнларини ўз ичига олади. Коммуникатив-прагматик жиҳатдан қиёс эргаш гапли қўшма гаплар ижобий ва салбий турлари мавжуд. Масалан, инглиз ва ўзбек тилларда унинг ижобий томонлари асосан ибора, мақол, топишмоқ ва афоризмларда намоён бўлади:

1. *“Better the devil you know than the devil you don’t”*¹²⁷

2. *“Better die standing, than live kneeling”* (proverbs)¹²⁸

3. *“A friend is one who has the same enemies as you have”* (aphorism)¹²⁹

4. *“Бешинг боши бўлгунча, олтининг оёғи бўл”*¹³⁰

5. *“Аблаҳдўст душмандан ёмон,*

Не ҳийла билса, ишлатар осон” (Мақоллар)¹³¹

6. *“Донаси гавҳар сифат, боши қўйи,*

Шарбатдан ширин эмиш унинг суви.

Белини неча ерданбоғлаган,

Ҳар камар бандида бордир шамшири.” (Маккажўхори.)

7. *“Бодом каби япроғи,*

Солланади бутоғи ” (Шафтоли) (Топишмоқ.)¹³²

8. *“Кимнингки бошига қўнаркан давлат,*

¹²⁷ Караматова К.М. Караматов. Ҳ.С. Proverbs. Мақоллар. Пословицы. Т.:”Меҳнат”, 2000. –26б

¹²⁸ Караматова К.М. Караматов. Ҳ.С. Кўрсатилган китоб, 25б

¹²⁹ Moran D. The largest quotes collection ebook from the worlds most famous people 2010, 11p

¹³⁰ Мукаррамов М. Ўзбек тилида ўхшатиш.Т, “Фан”, 1976, 21б

¹³¹ Мукаррамов М. Кўрсатилган китоб, 22б

¹³² Кўрсатилган китоб , 23б

Барча бўлгай унга қариндош янглиз”(афоризм)¹³³

Бу тилларда унинг салбий томонлари эса киноя, инкор ва сатирик ҳолатларда кузатилади:

Пишқириб илондай тўлганиб оқаятган сув, сув эмас, гўё бир бало эди.¹³⁴

Шундай юриб келардики, гўё у ҳамма ишни ўзи қилгандай.¹³⁵

She speaks as though she is the best teacher.

He is attracting everybody’s attention as if he were the centre of the universe.¹³⁶

She looked as though she had the earth on her palm.¹³⁷

Филология фанлар доктори, профессор Ғ.М.Ҳошимовнинг фикрига кўра қиёс эргаш гапли кўшма гаплардаги қиёс муносабати тўлиқ ва нотўлиқ ҳолда намоён бўлади.

Ўзбек тилида қиёс муносабати нотўлиқ ҳолда намоён бўлиши:

Онанг ўлсин, сени бу ерга ёлғиз юбормай.

Биз билан бирга юрмай, ўл.¹³⁸

Тўлиқ ҳолда намоён бўлиши:

Кўйдек бўлиб минг йил яшагунча, шердай бўлиб бир кун яшамоқ яхши.

¹³³ Мукаррамов М. Ўзбек тилида ўхшатиш. Т, “Фан”, 1976.- 236

¹³⁴ Мукаррамо М. Кўрсатилган китоб, 296

¹³⁵ Кўрсатилган китоб, 296

¹³⁶ Дадабаева Ш.Ш. Инглиз тилидаги қиёс эргаш гапли кўшма гаплар структурал – семантик турлари моделлари //Хорижий тилларни ўрганиш тарихи, бугуни ва истиқболи. АДУ, 2016, 396

¹³⁷ Дадабаева Ш.Ш. Кўрсатилган мақола, 396

¹³⁸ Ўзбек тили грамматикаси. 2-том. Синтаксиси. -Т: Фан, 1976.- 4286

Сиз келдингиз, зўё харобага офтоб тушгандай бўлди. ¹³⁹

2.2. Қиёс эргаш гапли қўшма гапларнинг лингвокультурологик жиҳатлари қиёсий таҳлили

Сўнги йилларда лингвокультурология атамаси тилшунослар томонидан кўп тилга олинмоқда. Кўплар тилшунослар тилни ўрганиш жараёнида албатта ўша тил вакилларининг маданиятини ва менталитети хусусиятларини инобатга олиш керак деб ҳисоблашмоқда. Уларнинг фикрича, бу тил ўрганувчиларини кузатилиши мумкин бўлган тушунмовчиликлардан асрайди ва уларни тил ўрганиш жараёнини осонлаштиради.

Ҳорижий тилларни ўрганишдаги айрим муоммолар айнан маданият билан боғлиқ бўлиши мумкин. Ушбу муоммоларни топиш мақсадида ўрганилаётган тил маданиятига мурожаат қилиш мақбул ечимдир. Масалан, мақоллар, иборалар, предлоглар ва бошқа мавзуларни ўрганишда, айниқса, тил ўрганувчиларининг ўз она тилида мавжуд бўлмаган мавзуларини ёритилишида ўрганилаётган тил маданиятидан келиб чиққан ҳолда ёндашилиши керак.

Бу йўналиш инсоннинг тилга таъсири, тил ва маданиятнинг боғлиқлиги, тил орқали маданиятнинг реал намоён бўлиши каби масалаларни ўрганиш натижасида XX асрнинг 90- йилларида вужудга келди.

Лингвокультурология тил ва маданият ҳақидаги фан бўлиб, халқ маданиятини тил орқали намоён бўлишини ўрганувчи тилшуносликнинг янги йўналишидир.

Лингвокультурологияни қуйидаги уч йўналиши мавжуд:

- 1) Умумий лингвокультурология
- 2) Хусусий лингвокультурология
- 3) Чоғиштирама лингвокультурология

Хулоса қилиб айтганда

¹³⁹ Ўзбек тили грамматикаси. 2-том. Синтаксиси. -Т: Фан, 1976. - 428б

Лингвокультурология – ўзининг асосий эътиборини маданият фактларини тилда акс эттирилишига қаратади.

Лингвокультурология – тилшунослик фанига таалуқлидир. Шунинг учун ҳам унинг назарий бойиши, она тили ёки ҳорижий тилларни ўрганиш амалиётига боғлиқдир.

Қиёс эргаш гапли қўшма гапларнинг лингвокультурологик жиҳатларини биз мазкур гапларнинг лингвокультурема сифатида қўлланишида аниқ кўрамиз, ваҳоланки улар мақол ва маталларда ўз аксини топган.

Тилда мавжуд бўлган лексема ўша халқнинг турмуш тарзидан яъни халқ тилидан келиб чиққан бўлиб, бу бевосита мақолларда иштирок этади ва мақоллар орқали халқнинг маданиятини акс эттиради.

Қуйида биз икки тилда қиёс эргаш гапли қўшма гапларнинг лингвокультурологик жиҳатларини берувчи мақолларни кўриб чиқамиз:

Инглиз тилида:

1. *“Better buy than borrow. - Қарзинг учун қайғур, оладиганинг қочмас.*
2. *Better give a shilling than lend a half – crown. – Қарз олган қочар, қарз берган қувар*
3. *Author as you choose a friend, choose an. – Китоб кўрмаган калла, гиёҳ унмаган дала.*
4. *Better never begin than never make an end. – Билмаган ишга уринма, уриниб тузоққа илинма.*
5. *Better die a beggar than live a beggar. – Отлиқнинг қамчиси ҳам, яёвнинг калтаги ҳам, камбағалнинг бошига тегади.*
6. *Better the devil you know, the Devil you don't know. – Синалмаган фариштадан, синалган шайтон яхши.*

7. *Better belly burst than drink lost.* – очкўзнинг ўзи тўйса ҳам, қорни тўймас.”¹⁴⁰

Ўзбек тилда:

1. *“Gap билгунча - иш бил.* – *Actions speak louder than words.*
2. *Ер бўлиб яшагандан, шеър бўлиб ўлган яхши.* – *Better a glorious death than a shameful life.*
3. *Ҳеч бўлмагандан кеч бўлгани яхши.* – *Better late than never.*
4. *Тахтинг келгунча, бахтинг келсин.* – *Born with a silver spoon in his mouth, he was.*
5. *Ўнтанинг ёр - ёри бўлгунча, биттанинг вафодори бўл.* - *burn the candle at both ends, to.*
6. *Юз ҳунарни чала билгандан, бир ҳунарни тўла бил.* – *Jack of all trades and master of none.*
7. *Гапириб пушаймон егандан, гапирмай доғда қолганинг яхши.* – *Swift to hear, slow to speak.*”¹⁴¹

Ҳусусан, инглиз тилидаги ушбу “*Better the devil you know, the Devil you don't know.*” мақоли ўзбек тилига “Ўзинг танимаган шайтондан, сен таниган шайтон афзал” деб таржима қилиниб, унинг ўзбек тилидаги эквиваленти “*Синалмаган фариштадан, синалган шайтон яхши.*” ҳисобланади. Бу мақолда кўриниб турибдики, **шайтон (the devil)** сўзи орқали инглиз халқининг диний қарашларини кўрамыз. Инглиз халқи динда бу тушунча мавжудлигига ишонади ва улар ушбу сўздан асосан салбий маънода, салбий образларни гавдалантиришда, кундалик ҳаётда фойдаланади.¹⁴²

Ўзбек тилидаги “*Юз ҳунарни чала билгандан, бир ҳунарни тўла бил*” мақоли инглиз тилидаги “*Jack of all trades and master of none*”

¹⁴⁰ Караматова К.М. Караматов. Ҳ.С. Proverbs. Мақоллар. Пословицы. Т.:”Меҳнат”, 2000. – 15,22,24,25б

¹⁴¹ Караматова К.М. Караматов. Ҳ.С. Кўрсатилган китоб, 19,23,25,26,32,36,70, 133,182 б

¹⁴² Аҳмедова У.К. Инглиз ва ўзбек мақолларининг лингвокультуралогик ва семантик хусусиятлари. Диссертация. .Урганч. 2014.- 47-49б

мақолига тўғри келиб, унинг лингвокультурологик жиҳатини айнан ушбу қўшма гапдаги **хунар** сўзи орқали ифодаланишини кўрсатишимиз мумкин. Сабаби ўзбек маданиятини дунёга акс эттирувчи қадимий унсурлардан бири ўзбек хунармандчилиги бўлиб, ўзбек халқининг кундалик ҳаётида ва турли миллий адабиётлиарда, хусусан, халқ оғзаки ижодида(халқ оғзаки эртақларида, маталларида) хунарли бўлишга ундаш қадимдан мавжуд.¹⁴³

Инглиз тили маданиятини акс эттиришда машҳур инглиз инсонлари томонидан айнан қиёс эргаш гапли қўшма гаплар ёрдамида фикрларини баён этишган, цитаталар келтиришган. Қуйида улардан бир қанчасини келтирамиз:

“Accept-then act. Whatever the present moment contains, accept it as if you had chosen it. Always work with it, not against it.” (Eckhart Tolle)¹⁴⁴

“There are two ways to live: you can live as if nothing is a miracle; you can live as if everything is a miracle” (Eckhart Tolle)¹⁴⁵

“Stop acting as if life is a rehearsal. Live this day as if it were your last. The past is over and gone. The future is not guaranteed.” (Wayne Dyer)¹⁴⁶

“The children are now working as if I did not exist.” (Maria Montessori)¹⁴⁷

“Many proudly say they don’t fear death, yet live their lives as if they fear living.”¹⁴⁸

“Treat all others as if the entire world were watching your action.”¹⁴⁹

Бу гап турининг маданиятни акс эттиришини биз машҳур инглиз ёзувчилари ва шоирлари асарларида ҳам учратишимиз мумкин. Масалан,

¹⁴³ Аҳмедова У.К. Кўрсатилган диссертация, 51б

¹⁴⁴ Moran D. The largest quotes collection ebook from the worlds most famous people 2010, 11p

¹⁴⁵ Moran. D. Кўрсатилган китоб, 23б

¹⁴⁶ Юқоридаги манба, 60б

¹⁴⁷ Famous education quotes//EPD News & Views. 2007, 9p

¹⁴⁸ Goodwin G. L. Daily quotes for inspired living. 2013, 27p

¹⁴⁹ Юқоридаги манба, 9б

Уиллиам Шекспир асарларида: *“He is so made on here within as if he were son and heir to Mars;...”*, *“There’s not a man I meet but doth salute me As if I were their well-acquainted friend”*, *“...so seem as if You wre inspir’d to do these duties which You tender to her...”*¹⁵⁰

Бернард Шоу асарларида: *“That’s not true. He treats a flower girl as if she was a duchess.”*, *“Does it not seem as if, after all, the glory of death were cheaper than the glory of life?”*¹⁵¹

Ўзбек маданиятини қиёс эргаш гапли қўшма гаплар орқали ёритилишига биз Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романидаги Кумушнинг тасвирида кўришимиз мумкин: *“...Биз булар билан танишишни шу ерда қолдириб айвоннинг чап тарафидаги дарича орқалик уйга кирамиз, ҳам уйнинг тўрига солинган атлас кўрна, пар ёстиқ кучоғида совуқдан эринибми ва ё бошқа бир сабаб биланми уйгоқ ётқан бир қизни кўрамиз. Унинг қора зулфи пар ёстиқнинг турлик томонига тартибсиз сураатда тўзғиб, қуйуқ жинггила киприк остидаги тимқора кўзлари бир нуқтага тикилган-да, нимадир бир нарсани кўрган каби..қоп-қора камон, ўтиб кетган нафис, қийиз қўшлари чимирилганда, нимадир бир нарсдан чўчиган каби... тўлган ойдек губорсиз оқ юзи бироз қизилликка айланган-да кимдандир уйалган каби... Шу вақт кўрпани қайириб ушлаган оқ нозик қўллари билан латиф бурнининг ўнг томонида, табиатнинг ниҳоятда уста қўли билан қўндирилган қора холини қашиди ва бошини ёстиқдан олиб ўлтурди.”*¹⁵²

Низомиддин Маҳмудов лингвокультурологияни антропоцентрик тилшуносликнинг бир бўлими эканлигини айтиб, уни лисоний маданиятшунослик деб атайди ва унга қуйидагича фикр беради: “лингвокультурология тилни “тил – маданият - инсон” учлиги доирасида ўрганади, бу фан бугун кенг истеъмолда бўлган миллий онг, миллий тафаккур,

¹⁵⁰ The complete Works of William Shakespeare 2001, 748p

¹⁵¹ G. B.Shaw. Pygmalion .-U.S.A: 2007, 117p

¹⁵² А.Қодирий. Ўткан кунлар 2008, 13-146 (www.ziyouz.com кутубхонасидан)

миллий маданият, миллий маънавият, миллий менталитет, миллий характер каби жуда кўплаб тушунчаларнинг асосини тил ташкил этиши, тилсиз уларнинг моҳияти барқарор бўла олмаслигини очиб беришни асосий мақсад деб билади.” Айнан шу фикрдан келиб чиқиб, Н.Махмудов тилнинг лингвокультуралогик жиҳатларини очиб беришда ёрдам берувчи турғун ўхшатишларни айтиб ўтади. “Турғун ўхшатишлар миллий онг жумбоғини ечишга имкон берадиган ёрқин образли воситалардан бири”дир. Турғун ўхшатишлар тилларни миллий тарзда кўриш семантикаси ҳамдир.

Демак, қиёс эргаш гапли кўшма гапларнинг лингвокультуралогик жиҳатини биз юқорида айтиб ўтган, ушбу гап таркибида келувчи, қиёс муносабатини берувчи турғун ўхшатишлар орқали ҳам кўрсатишимиз мумкин.

Инглиз тилида худди шундай турғун ўхшатишларнинг қиёс эргаш гапли кўшма гапларда келиши:

He stared at people who were eating as if he was as poor as church.

Teacher stood as if he was as cold as marble.

The director of company looked as if he was as conceited as a barber's cat.

Her husband was sleeping as though he were as drunk as a lord.

*He didn't sleep he sat with his friends as if he was as sober as a judge.*¹⁵³

Ўзбек тилидаги гапларда шундай турғун ўхшатишлар бўладики, бу ўхшатишлар бошқа тилда мавжуд эмас. Масалан, ойдек ўхшатиш эталони орқали тузилган гаплар бошқа тилларда мавжуд эмас. (*Ойдек тўлиб, тушларингга Қирар зебо бир санам. Гўё шеърятнинг осмонида порлаган ой каби, Ойбек саловат билан саҳнада турарди.*)¹⁵⁴

Қуйида ўзбек тилида учровчи турғун ўхшатишларнинг қиёс эргаш гапли кўшма гаплар таркибида келиб, тилнинг маданиятини кўрсатишига мисолларни берамиз:

У мумдек сарғайгандек мендан юзини олиб қочди.

¹⁵³ Ушбу мисолларни тузишда Эргашева Г. нинг “Ўзбек ва инглиз тилларидаги турғун ўхшатишлар” деб номланган мақоласига таянилди.

¹⁵⁴ Махмудов Н. Ўхшатишлар ва миллий образ// ўзбек тили ва адабиёти.Т,2013. – 3-8

*Булар бир – бирига шундай ўхшашки, гўё бир томчи сувдек.
Шахноза шундай табиатли инсонки, гўё қалби зулукдай қоп – қора.
Гўё мош ютган хўроздай қизариб, у бир чеккада жим турарди.¹⁵⁵*

Иккинчи боб бўйича хулосалар

Гап семантикасида структурал – семантик масаласи муҳим бўлиб, олимларнинг фикрича структурал – семантиканинг муҳим вазифаси шаклий синтактик моделларнинг хусусий маъноларини аниқлашдан иборат. Хусусан, қиёс эргаш гапли қўшма гапларнинг ҳам структурал – семантик тавсифи мавжуд бўлиб, унинг инглиз тилида 38 та , ўзбек тилида 20та тавсифини кўришимиз мумкин.

Қиёс эргаш гапли қўшма гапларнинг коммуникатив-прагматик жиҳатидан тавсифи унинг фойдаланиш мақсадига кўра тавсифи бўлиб, у сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги тушуниш жараёнларини ўз ичига олади.

Коммуникатив - прагматик жиҳатдан қиёс эргаш гапли қўшма гаплар ижобий ва салбий турлари мавжуд. Масалан, инглиз ва ўзбек тилларда унинг ижобий томонлари асосан ибора, мақол, топишмоқ ва афоризмларда намоён бўлади. Салбий томонлари эса киноя, инкор ва сатирик ҳолатларда кузатилади. Ундан ташқари, Қиёс эргаш гапли қўшма гаплар тўлиқ ва нотўлиқ ҳолда намоён бўлади.

Қиёс эргаш гапли қўшма гапларнинг лингвокультурологик жиҳатларини биз мазкур гапларнинг лингвокультурема сифатида қўлланишида аниқ кўрамиз, ваҳоланки улар мақол ва маталларда ўз аксини топади.

¹⁵⁵ Ушбу мисолларни тузишда Эргашева Г. нинг кўрсатилган мақоласига таянилди.

Ш Боб. Турли тизимдаги тилларда қиёс эргаш гапли қўшма гапларнинг тиллараро мутаносиблиги масаласи

3.1 Инглиз тилидаги қиёс эргаш гапли қўшма гапларни ўзбек тилига таржима қилиш муаммолари

Таржима ижод жараёнининг энг қадимий турларидан бири бўлиб, у инсон тараққиёти тарихини, халқлараро, маданий, адабий ҳамкорликни берувчи, умумий қилиб айтганда, янги ғоялар билан таништирувчи, аслиятни қайта яратувчи муҳим ижодий воситадир. Хусусан тилшуносликда таржима бир тилда мавжуд нутқ ифодасини иккинчи тилда шакл ва мазмунини сақлаган ҳолда қайта яратувчи ижодий жараёндир.

Бу жараён қадимда турли қабиладаги кишилар ўртасидаги ўзаро мулоқот эҳтиёжи юзасидан вужудга келди. Замонлар оша унга бўлган талаблар кучайиб, у ижодий хусусиятга яъни қайта яратиш - сўз санъатига айланди. Таржима халқларнинг тафаккурига боғлиқ ва у миллатлараро муносабатга ўзаро таъсир этади.

Ҳозирда ривожланиб бораётган ҳар бир соҳада бир халқда яратилган илм-фан маданиятига оид манбаларни бошқа халқларга маълум этиш таржима жараёни асосида амалга оширилади.

Бу жараён айнан нусха кўчириш эмас, балки яхши ишлов берилган ҳолда таржима қилинаётган гапларни яратувчисини ҳис этган ҳолда матнни бошқа халққа етарли тил воситалари орқали қайта гавдалантиришдир.

Таржима халқлараро алоқа воситаси бўлиб, унинг асосий вазифаси асл тилда билдирилган мақсадни иккинчи тилда тўла ва аниқ ифодалашдир. Бунда тилдаги грамматик қурилишлар ва уни берувчи тил бирликларининг мавжудлигига ва ифодалаш имконияти даражаси бир ҳил ёки ҳар хиллигига катта аҳамият берилади. Шу сабабдан ҳам таржимада ўгирувчининг таржимонлик маҳорати кучли бўлиши, асл тилдан фойдаланувчи халқларнинг урф – одатини, тилдан фойдаланиш қоидаларини яхши билиши талаб этилади.

Айнан шу ҳолатлар асосида таржиманинг қуйидаги турлари мавжуд:

1. Ижодий таржима;
2. Сўзма – сўз таржима;
3. Эркин таржима;
4. Образлаштирилган таржима;
5. Мослама таржима;
6. Тадбил таржима;
7. Академик таржима;
8. Воситачи таржима.

Аналитик тил ҳисобланган инглиз тилидан агглютинатив тилларга кирувчи ўзбек тилига таржима қилишда жуда кўп муаммолар мавжуд бўлиб, ушбу тадқиқотимизда биз айнан шу муоммолардан бири бўлган инглиз тилидаги қўшма гаплар, хусусан қиёс эргаш гапли қўшма гапларнинг ўзбек тилига таржима қилиниши масалаларига тўхталамиз.

Инглиз тилидаги қўшма гапларни ўзбек тилига таржима қилишнинг энг асосий муаммоларидан бири таржимадаги грамматик шакл ва мазмуннинг номутаносиблигидир.

Хусусан, инглиз тилидаги қиёс эргаш гапли қўшма гапларни ўзбек тилига таржима қилишда ҳам грамматик шакл ва мазмуннинг номутаносиблиги кузатилади.

Масалан,

*Kamol always talks about him as if/as though she knew him well.*¹⁵⁶

(S Ad V Obj conj S V Obj Ad)

Бу гапни ўзбек тилига ўгиришда мазмун жиҳатидан қуйидагича таржима қилинади:

*Камол у ҳақда доим уни яхши билгандек гаптиради.*¹⁵⁷

¹⁵⁶ Муродова Д. Инглиз ва ўзбек тилларида қўшма гаплар ҳажми қиёсий тахлили ва уларни таржима қилиш ҳамда ўқитиш муаммолари. Андижон. 2014, 326

¹⁵⁷Юкоридаги манба, 326

(эга тўл ҳол тўл ҳол кесим)

Инглиз тилидаги қиёс эргаш гапли қўшма гапларни ўзбек тилига таржима қилинганда, инглиз тилидаги қиёс эргаш гап ўзбек тилида кўпинча содда ёйиқ гапга айланиши кузатилади:

He put his pack quietly on the ground as if cat stalks a sparrow.

Бу гапни ўзбек тилига қуйидагича таржима қиламиз:

У чумчуқни пойлаган мушук каби юкни секин аста ерга қўйди. (содда ёйиқ гап)

Худди мушук чумчуқни пойлагандай, у юкни секин аста ерга қўйди. (қўшма гап)

Демак, қиёс эргаш гапли қўшма гаплар ўзбек тилига ҳам содда ёйиқ гап, ҳам қўшма гап бўлиб, таржима қилиниши мумкин.

Инглиз тилида қиёс эргаш гапли қўшма гапларда келувчи, кўчма маънодаги ибораларни ўзбек тилига таржима қилиш учун уларни маъносини ўзбек тилида бера оладиган иборалардан фойдаланамиз. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек бунда таржимоннинг таржима қилинаётган тилга оид ибораларнинг иккинчи тилдаги қайси иборага маънодош эканлигини билиши жуда муҳимдир.

Юқоридаги келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, инглиз ва ўзбек тилларидаги қиёс эргаш гапли қўшма гапларни аналогик муқобиллари билан ўгириш кўпроқ, аммо уларни эквивалент муқобиллари орқали ўгириш ҳам кузатилади. Айнан шунда синонимик таржимадан фойдаланиб, қиёс маъносининг барча ўгирилиш имкониятлари ишга солинади.

*He talks as if he knew everything.*¹⁵⁸

У худди ҳамма нарсани билгандек гаптиради.

У шундай гаптирадики, гўё ҳамма нарсани билгандай.

У ҳамма нарсани билган каби гаптиради.

У ҳамма нарсани билганга ўхшаб гаптиради

¹⁵⁸ Rowling J.K. Harry Potter and the Chamber of secrets. U.S.A, 1999. –109p

У ҳамма нарсани билгандек гапиради.

У бамисоли ҳамма нарсани билгандек гапиради.

Қуйида биз инглиз тилидаги қиёс эргаш гапли қўшма гапларни ўзбек тилига ўгиришга намуналарни кўрсатамиз:

*He stood there as if he were turned into a stone.*¹⁵⁹

1. У у ерда тошдек қотиб қолгандай турарди.

2. У у ерда гўё тошдек қотиб қолгандай турарди.

3. У у ерда бамисоли тошдек қотиб қолгандай турарди.

4. У у ерда тошдек қотиб қолганга ўхшаб турарди.

5. У у ерда турарди, ҳудди тошдек қотиб қолгандай.

6. У у ерда турарди, гўё тошдек қотиб қолгандай кўринарди.

7. У у ерда шундай турардики, гўё тошдек қотиб қолгандай.

*He spoke to me as though he knew all my secrets.*¹⁶⁰

1. У менга ҳудди менинг барча сирларимни билгандай гапирди.

2. У менга гўё менинг барча сирларимни билгандай гапирди.

3. У менга бамисоли менинг барча сирларимни билгандай гапирди.

4. У менга менинг барча сирларимни билганга ўхшаб гапирди.

5. У менга менинг барча сирларимни билгандек гапирди.

6. У менга менинг барча сирларимни билгандай гапирди.

7. У менга гапирди, гўё менинг барча сирларимни билгандай.

*The man looked at me as if he knew me very well.*¹⁶¹

1. У одам мени яхши биладигандек менга тикилди.

¹⁵⁹ Rowling J.K. Harry Potter and the Chamber of secrets. U.S.A, 1999. – 104p

¹⁶⁰ Rowling J.K. Harry Potter and the Sorcerer's Stone. U.S.A, 1998. – 145p

¹⁶¹ Юқоридаги манба, 150 б

2. У менга худди мени яхши биладигандек тикилди.
3. У менга гўё мени яхши биладигандек тикилди.
4. У менга бамисоли мени яхши биладигандек тикилди.
5. У менга мени яхши биладигандек тикилди.
6. У менга мени яхши билганга ўхшаб тикилди.
7. У менга тикилди, гўё мени яхши биладигандек.
8. У менга шундай тикилдики, худди мени яхши биладигандек.

Хулоса қилиб айтганда, қиёс эргаш гапли қўшма гапларни инглиз тилидан ўзбек тилига аниқ ва тўғри таржима қилиш учун гапнинг структурал – семантик, лексик томонларига аҳамият беришимиз, таржимада грамматик шакл ва мазмун мутаносиблигига эришишимиз ва албатта инглиз тилидан ўзбек тилига ўгиришда тил бирликларидан тўғри фойдалана олишимиз муҳимдир.

3.2 Инглиз ва ўзбек тиллардаги қиёс эргаш гапли қўшма гапларнинг ўхшаш ва ноўхшаш жиҳатлари (ва лингводидактика масалалари)

Инглиз ва ўзбек тилида қиёс эргаш гапли қўшма гапларнинг изоморфик ва алломорфик жиҳатлари бу айнан икки тилда шу гапларнинг ўхшаш ва ноўхшаш хусусиятлари ҳисобланади. Изоморфик жиҳати ўзаро ўхшаш бўлган томонлари бўлса, алломорфик жиҳати эса уларнинг фарқли томонидир.

Юқоридаги қиёсий таҳлилларимиздан келиб чиқиб шуни таъкидлашимиз лозимки, аналитик тилларга мансуб инглиз тили ва агглютинатив тилларга кирувчи ўзбек тилидаги қиёс эргаш гапли қўшма гаплар изоморфик ва алломорфик жиҳатларга эга.

Инглиз ва ўзбек тилларида қиёс эргаш гапли қўшма гапларнинг изоморфик (ўхшаш) жиҳатлари қуйидагилардир:

1. Қиёс эргаш гапли қўшма гапларнинг таърифига тўхталсак, деярли икки тилда (инглиз ва ўзбек тилларида) қиёс эргаш гапли қўшма гапларга берилган таъриф бир хил десак ҳам бўлади. Иккала тилдан келиб чиқиб, биз қиёс эргаш гапли қўшма гапларга қуйидагича таъриф берамиз: “Қиёс эргаш

гапли қўшма гап шундай қўшма гапки, унда камида бир бош гап ва бир эргаш гап бўлиб, эргаш гап бош гапдан англашилган иш – ҳаракатнинг (ҳолат, сифат кабиларнинг) амалга оширилишини нимагадир қиёслаш учун хизмат қилади.” Таърифнинг бир хил эканлиги бу уларнинг изоморфик (ўхшаш) жиҳатидир.

2. Инглиз ва ўзбек тилларида қиёс эргаш гапли қўшма гапларнинг эргаш гап қисми бош гап қисмдан олдин ёки охирида келади. Икки тилда ҳам уларнинг келиш тартиби эркиндир.

Бу гап турининг икки тилда қуйидагича алломорфик (ноўхшаш) томонлари мавжуд:

1. Боғланиш усуллари бўйича инглиз тилида қиёс эргаш гапли қўшма гаплар асосан қуйидаги йўллар билан тузилади.

1) боғловчилар ёрдамида (*as though, as if, as, than*)

2) боғловчи вазифасидаги сўзлар ёрдамида (*unlike, while, whereas*)

3) предлог ёрдамида (*like, versus*)

4) иборалар ёрдамида (*in the same way as, in the same manner as, in contrast to, in the same form as, in the same conduct as*)

Ўзбек тилида эса, қиёс эргаш гапли қўшма гаплар қуйидаги йўллар билан тузилади:

1) боғловчилар ёрдамида (*гўё, каби, кўра*)

2) юкламалар ёрдамида (*-ганидек, -гандек, -гандай*)

3) боғловчи сўзлар ёрдамида (*қиёс, мисол, ўхшаш*)

Таҳлилимиз шуни кўрсатадики, қиёс эргаш гапли қўшма гапларнинг боғланишида иккала тилда фарқли томонлари мавжуд. Масалан, инглиз тилидаги предлоглар орқали боғланиш йўли ўзбек тилида мавжуд эмас, ўзбек тилидаги юкламалар орқали боғланиш эса инглиз тилида мавжуд эмас.

2. Боғловчи воситаларига кўра инглиз ва ўзбек тилларидаги қиёс эргаш гапли қўшма гаплар баъзи фарқларга эга.

Инглиз тилида қиёс эргаш гапли қўшма гаплар қуйидаги боғловчилар ёрдамида ясалади:

Эргаштирувчи боғловчилар - subordinating conjunctions (as, as though, as if, than, while, whereas,)

Коррелятив боғловчилар - (the more ... the more as)

Боғловчи вазифасидаги равишлар - conjunctive adverbs (on the one hand)

Ўзбек тилида қиёс эргаш гапли қўшма гаплар соф боғловчилар: гўё, каби, сингари, боғловчи вазифасидаги юкламалар: - гандек, -гандай, -дек(-дай), боғловчи вазифасидаги сўзлар: яхши, бамисоли, мисоли, мисли, қиёс, ўхшаш, тус, шакл, қомат, афзал каби сўзлар ёрдамида боғланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни айтишимиз мумкинки, инглиз ва ўзбек тилларида боғловчи воситаларнинг ўхшаш жиҳатлари ҳам мавжуд. Масалан, ўзбек тилидаги **гўё, сингари, худди** каби боғловчилар инглиз тилидаги **as if, as though** боғловчиларига тўғри келади. –**ганидек, -дек(дай)** юкламалари инглиз тилидаги **like, as** боғловчиларига тўғри келади. Аммо бунда бу боғловчи ўзбек тилида морфема шаклида келади, инглиз тилида эса лексема шаклида келади. Бу ҳолат уларнинг ноўхшаш томонларидир.

3. Қиёс эргаш гапли қўшма гапларнинг структурал – семантик таснифини ўрганиш давомида биз бу гапнинг икки тилда структурал – семантик таснифини беришда ҳам уларнинг фарқли томонларини кўришимиз мумкин. Бу гап турининг инглиз тилида 38 та, ўзбек тилида эса 20 та структурал – семантик таснифларини мавжуд.

Қўшимча тарзда шуни таъкидлаш мумкинки, инглиз тилида қиёс муносабатини ифодаловчи гаплар 2 хил шаклда келади: параллел шаклда (parallel structure in comparison) ва нопараллел шаклда (nonparallel structure in comparison). Параллел шаклда келувчи гапларда икки нарса фақат бир-бирига ўхшатилади. (e.g. *On a unicycle, going downhill is just as easy as going uphill is hard*). Нопараллел шаклда эса бирор- бир нарса, шахс, ҳаракат, ҳолат иккинчисига чоғиштирилади яъни бирининг иккинчисидан

устун ёки камлиги кўрсатилади. (e.g. *On a unicycle, going downhill is just as easy as it is hard to go uphill*).

Инглиз тилида параллел шаклни беришда *as, as if, as though, like, such...,as..., similar to* каби боғловчи воситалардан фойдаланилади. (e.g. *He works as efficiently as you do. I never see a young woman in any station conduct herself like you have conducted yourself. The old man held him as if she would never let him go again.*)

Нопараллел қиёс муносабатини беришда *-er* сафикси *than* билан биргаликда келиб икки нарсани қиёслашга хизмат қилади.(e.g *He works better than they do*) Айнан шу ҳолатда янада кучайтиришга хизмат қилувчи *the more...,the more..; the more..., as...; as..., er...; different from; not so as* каби конструкцияларнинг келиши мақсадга мувофиқдир

Ўзбек тилида ҳам деярли инглиз тили каби қиёс эргаш гапли кўшма гапларда икки иш - ҳаракат бир-бирига ўхшатилади (*У қизга шундай тикилдики, гўё шу қарашдаёқ, бир – бирларининг ичларида нима борлигини кўрдилар*) ёки чоғиштирилади (*Юз йил ибодат қилгандан кўра, бир соат фикр юритган афзал*) ва бу муносабатлар боғловчилар орқали ифодаланади.

Қиёс эргаш гапли кўшма гапларнинг икки тилда тиниш белгиларини ишлатилиши бўйича таҳлили қуйидагича: ўзбек тилида қиёс эргаш гапли кўшма гапларнинг бош гап ва эргаш гап қисми орасида доим вергул бўлади. Инглиз тилида эса бу ҳолат бош гапнинг эргаш гапдан олдин ёки кейин келиш ҳолатига боғлиқ бўлади. Бунда агар бош гап эргаш гапдан олдин келса, ҳеч қандай вергул қўйилмайди, аксинча эргаш гап бош гапдан олдин келса, вергул қўйилади.

Инглиз ва ўзбек тилларидаги қиёс эргаш гапли кўшма гапларнинг қиёсий таҳлили натижалари мазкур гап турининг лингводидактик аспектига яъни уларни ўқув муассасаларида ўқитиш жараёни билан

боғлиқ муаммоларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади. Инглиз тилида қиёс эргаш гапли қўшма гапни ўзбек аудиториясида замонавий педагогик технологиялар асосида турли методлардан фойдаланган ҳолда ўтишни ўз ичига олган машқлар тизимини яратиш ва улар асосида талабаларни шуғуллантириш фойдалидир.

Биз қуйида инглиз тилидаги қиёс эргаш гапли қўшма гапларни олий мактабда ўқитиш бўйича айрим методик кўрсатмалар ишлаб чиқдик ва айнан шу кўрсатмалар асосида коммуникатив йўналишга асосланган интерактив ва индуктив методлардан фойдаланган ҳолда самарали ўқитиш методикасидан намуналар яратдик.

Ҳозирда жаҳон стандартлари талабларига кўра инглиз тили машғулотлари тўлиқ ўрганилаётган тилда олиб борилганлиги туфайли ушбу методик кўрсатмаларимизни инглиз тилида ёритишга ҳаракат қилдик. Методик кўрсатмаларимиз асосан “Инглиз тилида қиёс эргаш гапли қўшма гапларни ўқитишда индуктив ва интерактив методлари ва уларнинг қолиплари” (Theme: Inductive and interactive methods with their patterns in teaching adverbial clause of comparison) масаласига бағишланган.

English grammar is difficult to learn for both native and second - language speakers because there are so many intricacies, obscure rules and exceptions. To achieve the best results in teaching grammar we may use such effective methods: interactive and inductive methods. In inductive method Students learn the rules of grammar in a more natural way during their own reading and writing. They work these rules in sentences allow for easier retention of the concept. By this method teacher use techniques that are known to work cognitively. In interactive method teacher tries to incorporate interactivity into lesson using different learning styles.

When teaching “Adverbial clause of comparison” in auditorium teacher may apply these teaching methods equally. In this teacher should use these strategies:

- 1) Brainstorm the adverbial clause of comparison by giving some examples, asking students to analyze them;
- 2) Students try to analyze and answer;
- 3) Teacher tries to get answers to his question: “Why do people use this type of sentence in communication? Are they used in positive or negative way?”. Students should support their ideas with examples (situations)
- 4) Teacher elicits some answers and concludes theme.

Below we try to give lesson plan by applying these methods in teaching adverbial clause of comparison.

Lesson5. Adverbial clause of comparison in communication

Level: Undergraduates

Aim:

- 1) in order for students to be able to use various inductive and interactive methods in studying adverbial clause of comparison:
- 2) to develop communicative ability and intercultural awareness in using adverbial clause of comparison.

Preliminaries of the lesson:

Preactivities (interactive patterns – whole class)

Lead – in (time - 5min)

Procedure:

- 1) teacher write the topic (adverbial clause of comparison) of the brainstorm on the board;
- 2) students try to give examples for this sentence.

Activity 1: Brainstorming. (inductive patterns – whole class)

Time:15 min.

Object: to review this type of sentence

Procedure:

1) teacher distributes handout 1 which focuses examples for as if, as though, like and ask students explain the use of the verbs after them.
(Handout 1)

2) after explanation in general way teacher asks student to find words which help form adverbial clause of comparison apart from as if, as though, like.

Activity 2. (interactive patterns – group work)

Time: 20 min

Object: to learn communicative features of adverbial clause of comparison.

Procedure:

1) teacher asks students to answer to the following questions: “Why do people use adverbial clause of comparison. Do they use this sentence positively or negatively”

2) teacher divides class into to groups and asks them to form adverbial clause of comparison in positive and negative way with examples.

Activity 3 (inductive pattern – individual work)

Discussion of adverbial clause of comparison in proper situation in written form.

Time: 10 min

Procedure: (Handout 2)

Teacher gives students exercises about using adverbial clause of comparison in some situations and students should do them and discuss with teacher.

Activity 4. (interactive patterns – pair work)

Time: 10min

Procedure:

1. Teacher make students work with their pairs and give some expressions (such as *as busy as bee*, *as hard as a nail*). Students should make

sentence (adverbial clause of comparison) and compare their use in Uzbek language.

2. Teacher and student assess the activity.

Homework:

1. To find linking words which help form adverbial clause of comparison.

2. Each learner is asked to write essay “The event which change my life.” using adverbial clause of comparison.

Teacher’s evaluation: Teacher evaluates the learners’ academic performance according to the assessment criteria.

Handout 1

1.Explain the use of the verb forms in the following clauses of comparison and predicative clauses introduced by as if and as though:

1. He was throwing his things into a suitcase as if the place were on fire.
2. She always looked as though she had been in the beauty parlour all afternoon.
3. Mary is always saying she believes in her friend, and at the same time she always behaves as if he were her enemy.
4. Our life goes on as if nothing had happened.
5. Father sounded as if he would never agree to let me go on the trip.
6. He came over to the table and stood in front of it as though it were a lecturer.
7. He took off his hat and held it across his chest, almost as if he were saluting the flag.
8. Bernard sat in his chair looking as if he were going to be sick.
9. His head ached terribly. It felt as though all sorts of little savage things were beating inside it, trying to get out.
10. It seemed as though the water drew her irresistibly.
11. He felt as if he were being reprimanded.
12. After travelling some distance the leather of the seats felt as if they might burst

into flame.

13. Sinclair was panting, as though he had been running.

2. Supply the necessary forms of the verbs in brackets in the following clauses of comparison and predicative clauses introduced by as if and as though:

1. Her lips were parted as if she (to be) out of breath.

2. Hugh laughed awkwardly, as if he (to say) something indecent

3. Then he rolled his eyes in his head, as if he (to do) an exercise

4. He looked down at his feet as though he (to be) unconscious of the company.

5. Bateman felt as though someone (to give) him a violent blow,

6. She sounded as if she (to talk) to someone distasteful.

7. He couldn't move his legs as if they (to be) stuck on the floor,

8. "It sounds as though there (to be) three or four men down there," said my father.

9. She spoke of this and that as though she (to make) conversation with a stranger.

10. He looked as if he already (to decide) on some action.

11. He went into the house by the back door and sneaked up the stairs as though he (to have) something to hide.

12. It looked as though he (to be) filled with an overwhelming joy.

13. The sky looked as though it (to be) grey for months.

14. Robert's voice sounded hoarse, as though he (to shout) into the wind for hours.

15. Her stillness and her strange words made me feel as if I still (to dream).

16. Jones greeted me as though I (to be) an old school-friend whom he had not seen for years.

17. Her eyes were sparkling as though she (to laugh) at us.

18. She was breathing fast and deep, as though she (to run).

19. Her face was red and swollen as though she (to choke).

20. He looked as though he (not to move) since I left him the previous night.

3. Complete the sentences with *as if*. Choose from the box, putting the verbs in the correct form.

she / enjoy / it

I / go / be sick

he / not / eat / for a week

~~*he / need / a good rest*~~

she / hurt / her leg

he / mean / what he / say

I / not / exist

she / not / want / come

1 Mark looks very tired.

He looks as if he needs a good rest .

2 I don't think Paul was joking.

He looked _____.

3 What's the matter with Liz?

She's walking _____.

4 Peter was extremely hungry and ate his dinner very quickly.

He ate _____.

5 Caroline had a bored expression on her face during the concert.

She didn't look _____.

6 I've just eaten too many chocolates. Now I don't feel well.

I feel _____.

7 I phoned Liz and invited her to the party, but she wasn't very enthusiastic about it.

She sounded _____.

8 I went into the office, but nobody spoke to me or looked at me.

Everybody ignored me _____.

Handout 2

What do you say in these situations? Use look/sound/feel + as if... . Use the words in brackets to make your sentence.

1 You meet Bill. He has a black eye and some plasters on his face. (be / a fight)

You say to him: You look as if you've been in a fight.

2 Christine comes into the room. She looks absolutely terrified. (see / a ghost)

You say to her: What's the matter? You _____

3 Joe is on holiday. He's talking to you on the phone and sounds very happy.

(enjoy / yourself)

You say to him: You _____

4 You have just run one kilometre. You are absolutely exhausted. (run / a marathon)

You say to a friend: I _____

Ушбу методик кўрсатмалар бир дарснинг режасини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишда бир қатор методлар ҳамда уларнинг колипларидан қойдаланиш методикасига бағишланган бўлиб, ундан коммуникатив мақсадида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Учинчи боб бўйича хулосалар

Таржима бир тилда мавжуд нутқ ифодасини иккинчи тилда шакл ва мазмунини сақлаган ҳолда қайта яратувчи ижодий жараён бўлиб, унинг асосий вазифаси асл тилда билдирилган мақсадни иккинчи тилда тўла ва аниқ ифодалашдир. Бунда тилдаги грамматик қурилишлар ва уни берувчи тил бирликларининг мавжудлигига ва ифодалаш имконияти даражаси бир ҳил ёки ҳар хиллигига катта аҳамият берилади.

Аналитик тил ҳисобланган инглиз тилидаги қўшма гапларни агглютинатив тилларга кирувчи ўзбек тилига таржима қилишнинг энг асосий муаммоларидан бири таржимадаги грамматик шакл ва мазмуннинг номуносивлигидир.

Инглиз тилидаги қиёс эргаш гапли қўшма гапларни ўзбек тилига таржима қилишда ҳам грамматик шакл ва мазмуннинг номуносивлиги кузатилади. Хусусан, қиёс эргаш гапли қўшма гапларни ўзбек тилига ҳам содда ёйиқ гап, ҳам қўшма гап ҳолатда таржима қилиниши ва ушбу гапларни

инглиз тилидан ўзбек тилига аналогик муқобиллари билан кўпроқ, аммо уларни эквивалент муқобиллари орқали ўгириш ҳам кузатилишини турли мисоллар билан исботладик.

Инглиз ва ўзбек тилларда қиёс эргаш гапли қўшма гапларнинг бир қатор изоморфик ва алломорфик жиҳатларга эга. Уларнинг изоморфик жиҳатлари ушбу гапга берилган таърифда, қиёс эргаш гапли қўшма гапларнинг эргаш гап қисмининг келиш тартибида кўринса, уларнинг алломорфик жиҳатлари уларнинг боғловчи воситалари, боғланиш усуллари ва структурал семантик тавсифларида кўринади.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР.

Қиёс эргаш гапли қўшма гапларнинг қиёсий таҳлили устидаги изланишлар асосида қуйидаги хулосаларга келиш мақсадга мувофиқдир:

1. Қиёс муносабатини ифодаловчи вербализаторлар ҳар бир тилда универсал бўлиб, улар маълум майдонни ташкил этади. Қуйида тадқиқотимизда ушбу майдонни ташкил этувчи вербализаторларни “компаратема” деб номловчи янги атама билан атадик ва “қиёс концепти”ни воқелантирувчи вербал воситалар тилнинг у ёки бу сатҳига дахлдорлигидан келиб чиқиб, уларнинг қуйидаги турларини ажратдик:

1) морфофонокомпаратема

2) морфокомпаратема

3) лексокомпаратема

4) синтаксокомпаратема:

а) фразекомпаратема

б) сентенсокомпаратема

5) фразеокмпаратема

6) текстокомпаратема

Тилларда юқорида санаб ўтилган барча “компаратема”лар ўзига ҳос бир лингвокогнитив майдонни, яъни “қиёс лингвокогнитив майдони”ни ташкил этади. Ушбу майдонда ядро, доминанта ва периферияга ҳос қиёс вербализаторларини ажратиш мумкин.

2. Айнан шу компаратемалардан бири қиёс эргаш гапли қўшма гаплар ҳисобланиб, ушбу гап тури муҳим бир лисоний қурилма сифатида ўзига ҳос структурал - семантик, лингвокультурологик ва коммуникатив – прагматик хусусиятига эга. Қиёс эргаш гапли қўшма гап

шундай қўшма гапки, унда камида бир бош гап ва бир эргаш гап бўлиб, эргаш гап бош гапдан англашилган иш – ҳаракатнинг (ҳолат, сифат кабиларнинг) амалга оширилишини нимагадир қиёслаш учун хизмат қилади.

Хусусан, биз қиёс эргаш гапли қўшма гапларнинг инглиз тилида 39 та структурал – семантик, ўзбек тилида 20 та структурал - семантик турларини илк бор аниқладик ва уларни типологик жиҳатдан қиёсладик.

3. Қиёс эргаш гапли қўшма гапларнинг лингвокультурологик жиҳатларини биз инглиз ва ўзбек тилида учровчи, лингвокультурема сифатида қўлланувчи қиёс маъносини берувчи мақол ва маталларда (қўшма гапларда) яққол кўрамиз.

4. Қиёс эргаш гапли қўшма гапларнинг коммуникатив - прагматик жиҳатларини унинг фойдаланиш мақсадига кўра салбий ва ижобий маъноларда келишини турли ибора, мақоллар, топишмоқ ва афоризмлардан фойдаланган ҳолда кўрсатиб ўтдик. Шунингдек, қиёс эргаш гапли қўшма гапларнинг тўлиқ ва нотўлиқ турларини ҳам мисоллар билан бердик.

5. Инглиз тилидаги қўшма гапларни ўзбек тилига таржима қилишнинг энг асосий муаммоларидан бири таржимадаги грамматик шакл ва мазмуннинг номутаносиблиги бўлиб, инглиз тилидаги қиёс эргаш гапли қўшма гапларни ўзбек тилига таржима қилишда ҳам грамматик шакл ва қисман мазмуннинг номутаносиблиги кузатилади. Хусусан, қиёс эргаш гапли қўшма гапларни ўзбек тилига ҳам содда ёйиқ гап, ҳам қўшма гап ҳолатда таржима қилиниши ва ушбу гапларни инглиз тилидан ўзбек тилига аналогик муқобиллари билан кўпроқ, аммо уларни эквивалент муқобиллари орқали ўгириш ҳам кузатилишини турли мисоллар билан исботладик.

6. Юқоридаги таҳлилларимиздан шу нарса кўриниб турибдики, ҳар иккала тилда ҳам қиёс эргаш гапли қўшма гаплар бир қатор изоморфик ва алломорфик жиҳатларга эга. Уларнинг изоморфик жиҳатлари ушбу гапга

берилган таърифда, қиёс эргаш гапли қўшма гапларнинг эргаш гап қисмининг келиш тартибида изоҳланса, уларнинг алломорфик жаҳатлари уларнинг боғловчи воситалари, боғланиш усуллари ва структурал семантик тавсифларида кўринади.

7. Инглиз ва ўзбек тилларидаги қиёс эргаш гапли қўшма гапларнинг қиёсий таҳлили натижалари мазкур гап турининг лингводидактик аспектига яъни уларни ўқув муассасаларида ўқитиш жараёни билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олган ҳолда, инглиз тилида қиёс эргаш гапли қўшма гапни ўзбек аудиториясида замонавий педагогик технологиялар асосида интерактив ва индуктив методлардан фойдаланган ҳолда самарали ўқитиш методикасини яратдик ва улар асосида талабаларни шуғуллантиришга фойдали бўлган машқлар тизимини бердик.

Фойдаланилган адабиётлар.

I. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Президент фармонлари, қарорлари ва асарлари.

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Тошкент: Мовароуннаҳр, 2008.
2. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси.Тошкент: “Шарқ”, 1999й
3. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2012 йил 10 декабрга «Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора тadbирлари тўғрисида»ги ПҚ-1875-сонли Қарори. “Халқ сўзи” газетаси. 2012 й. 11 декабрь.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил, 29- декабрдаги “2017 – 2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора тadbирлари тўғрисида” Қарори. <http://www.ozbekistonovozi.uz>.
5. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”.

II. Асосий адабиётлар.

1. Абдурахмонов Ғ. Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. –Т.: Ўқитувчи, 1973. -190 б.
2. Абдурахмонов.Ғ. Қўшма гап синтаксиси асослари. – Т, 1958. – Б.51б
3. Абдурахмонов Ғ. Ўзбек тили грамматикаси. Синтаксис. –Т.: Ўқитувчи, 1991. -42 б.
4. Абдурахмонов Ғ. Ўзбек тили грамматикаси. Синтаксис. –Т.: Ўқитувчи, 1996. -164 б.
5. Абдурахмонов Ғ., Рустамов Ҳ. Она тили. Дарслик. –Т.: Ўқитувчи, 2004. -53-87 б.

6. Азизов О. Тилшуносликка кириш. –Т.: Ўқитувчи, 1963. -113 б.
7. Аскарова М. Абдурахмонов Ҳ. Ўзбек тили грамматикасининг практикуми. – Т.: “Ўқитувчи”, 1981. – 184 б.
8. Аскарова М.А. Ҳозирги ўзбек тилида эргашиш формалари ва эргаш гаплар. –Т.: Фан. – 1966. -340-346б
9. Аҳмедова У.К. Инглиз ва ўзбек мақолларининг лингвокультуралогик ва семантик хусусиятлари. Диссертация. .Урганч. 2014.- 47-49б
- 10.Бархударов Л.С. Структура простого предложения современного английского языка. М., Высшая школа, 1966.-141с.
- 11.Блох М.Я. Вопросы изучения грамматического строя языка. М.: Изд-во Моск. гос. пед. ин-та, 1976. - 107 с.
- 12.Болтаева Г. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. –Навоий.: 2009.
- 13.Боймирзаева С. Қиёслаш муносабатини ифодаловчи кўшма гаплар синонимияси// Ўзбек тили ва адабиёти. Т, 1996. - 30-33б
- 14.Виноградов В.В. Основные вопросы синтаксиса предложения. / на матер. русского языка.// Сб. статей. Изд-во АН СССР. М., 1955.- С.402- 440.
- 15.Волощенко М.В. Реализация семантики сопоставления в сложном предложении. Автореф. дисс. канд. филол. наук. М., 2010.- С.23
- 16.Дадабаева Ш.Ш. Инглиз тилидаги қиёс эргаш гапли кўшма гаплар структурал – семантик турлари моделлари //Хорижий тилларни ўрганиш тарихи, бугуни ва истикболи. АДУ, 2016, 39б
- 17.Иванова И.П., Бурлакова В.В., Почепцов Г.Г.Теоретическая грамматика современного английского языка. –М.: 1981. -164с
- 18.Иофик Л.Л. Проблема структуры сложного предложения в новоанглийском языке. Автореф. дис. ... докт. филол. наук. Л., 1965.- 41с.
- 19.Ильиш Б.А. Строй современного английского языка. / Учеб.пос. для студ. пед. ин-тов. -2-е изд. Л.: Просвещение, 1971. -365 с.
- 20.Ирискулов М.Т. Тилшуносликка кириш. Т.: Ўқитувчи, 1992. – 119 б

21. Ирискулов М, Кулдашев А. Theoretical grammar of the English grammar. Т.2008.-61,77,78 б
22. Караматова К.М. Караматов. Ҳ.С. Proverbs. Мақоллар. Пословицы. Т.:”Меҳнат”, 2000. –400
23. Мамажонов А., Розикова Г. Гапларнинг шаклий –мазмуний тузилишига кўра турлари. –Ф.: 2004. -2-3 б.
24. Мукаррамов М. Ўзбек тилида ўхшатиш. – Т.:Фан, 1976.
25. Маҳмудов Н. Ўхшатишлар ва миллий образ// ўзбек тили ва адабиёти.Т,2013. – 3-8
26. Маҳмудов Н.Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995, 228, 291
27. Муродова Д. Инглиз ва ўзбек тилларида кўшма гаплар ҳажми қиёсий таҳлили ва уларни таржима қилиш ҳамда ўқитиш муаммолари. Андижон. 2014, 30-37б
28. Нурмонов А. Маҳмудов Н. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. –Т.: 2007. -2-3 б.
29. Носирова Д. Содда гапларда қиёс мазмунининг ифодаланиши// Ўзбек тили ва адабиёти. Т, 2014. – 88-90
30. Попова И.А. Сложносочиненное предложение в современном русском языке.- В сб.: Вопр. Синтак. совр. русс.языка. М., 1950.- С.355-396.
31. Омонтурдиев Ж, Омонтурдиев А. Ҳозирги ўзбек адабий тили.ўқув кўлланма. Термиз, 2011
32. Хашимов Г. М. Типология сложных предложенияи разносистемных языков. –Т.: Фан, 1991. -34 с.
33. Ҳошимов Г.М, Дадабаева Ш.Ш. Қиёс концептуал семантикаси ва уни вербализаторлари хусусида//Когнитив тилшунослик ва филологиянинг долзарб масалалари. Фар ДУ. 2017, 102б
34. Хашимов Г.М.Типология сложного предложения в разносистемных языках. Автореф. дис. ... докт. филол. наук. Т., 2002.- 268с.

35. Хўжанов Х. Қиёс маъноли синтактик қурилмаларнинг деривацион хусусиятлари// Ўзбек тили ва адабиёти. Т, 2014. – 82-83б
- 36.Эргашева Г. Ўзбек ва инглиз тилларидаги турғун ўхшатишлар//Ўзбек тили ва адабиёти, 2015, 102-104б.
- 37.Юсупов Ў. Инглиз тили грамматикасидан универсал қўлланма. –Т.: 2014. - 271-278 б.
- 38.Ўзбек тили грамматикаси. 2-том. Синтаксиси.-Т: Фан, 1976.- 560б
- 39.Қиличев Э. Ўзбек тилининг амалий стилистикаси. Т.:”Ўқитувчи”, 1992.
- 40.Ғаппоров М., Қосимова Р. Инглиз тили грамматикаси.-Т.: “Турон-иқбол”, 2011. – 296 б.
- 41.Ҳамроев М. А. Она тили. Ўқув қўлланма. –Т.: 2008. -112-113 б.
- 42.Alexander L.G. Longman English Grammar. L.: 1988.- 374 с.
- 43.Blokh M.Y. A course in Theoretical English Grammar. M.: Higher School Publishing House, 1983. - 382 p.
- 44.Curme G. O. A Grammar of the English Language, vol. III.Syntax.London, 1931. - 616 p.
- 45.Dik S.C. Coordination. Its Implication for the Theory of General Linguistic. Amsterdam, 1968. -318 p.
- 46.Fries Ch.C. The Structure of English, N.Y., 1952.– 254p.
- 47.Ganshina M.A., Vasilevskaya N.M. English Grammar. M.:Higher School Publishing House, 1964.- 345 p.
- 48.Ilyish B.A. The Structure of Modern English. M.: Prosveshcheniye, 1965. – 363 p.
- 49.Keller L. A Historical Outline of English Syntax.-341p.
- 50.Kirvolidze. N.Theoretical course English language. –Tbilisi.: 2013. -73-74 p.
- 51.Macmillan English dictionary. Malaysia, Bloomsbury Publishing, 2007,IW 5,7,8,9 pages
- 52.Mathesius V. On Some Problems of the Systematic Analysis of Grammar.TCLP, vol.VI, 1936.
- 53.Onions C. An Advanced English Syntax, L., 1911

54. Raymond M. Grammar in USE. Cambridge University Press. 1986.- 214, 216
55. Roberts P. English Sentence. New York, 1962. – 342 p
56. Sweet H. A New English Grammar Logical and Historical. — Oxford: Clarendon Press. Pt. 1. Introduction, Phonology, and Accidence, 1891; Pt. 2. Syntax. 1898.
57. Sheurweghs G. Present-Day English, Syntax. L., 1959. -439 p.
58. Stevenson M. English Syntax. Boston, Toronto: L. B. & Co., 1987. -389 p.
59. Van Oirsouw R.R. The Syntax of Coordination. N.Y.: Croom Helm, 1987. – 295 p.
60. Wilson H.L. The Classification and Punctuation of the Conjunction “For”. American Speech, 1952, vol.27, p. 128-132.

III. Қўшимча адабиётлар.

1. Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар 2008, 13-14б
2. Daniel Moran. The largest quotes collection ebook from the worlds most famous people. 2010, 11p
3. Famous education quotes//EPD News & Views. 2007, 9p
4. Gail Lynne Goodwin. Daily quotes for inspired living. 2013, 9p
5. George Bernard Shaw. Pygmalion .-U.S.A: 2007, 117p
6. J.K.Rowling. Harry Potter and the Chamber of secrets. U.S.A, 1998. – 109p
7. J.K.Rowling. Harry Potter and the Sorcerer’s Stone. U.S.A. 1999. – 104? 145 pp
8. Smith.M.C. Polar Star. London, 1989. -470
9. Stephenie M. Twilight. New York. 2005. -498
10. The complete Works of William Shakespeare 2001, 748p

IV. Интернет сайтлари.

1. <http://www.Englishteaching.org.uk> (British Council)
2. <http://www.ziyonet.uz> (Ўзбекистон миллий кутубхонаси)
3. <http://www.ziyouz.com>

4. <http://www.englishgrammar.org>
5. <http://www.english> – for – students. Com
6. <http://www>. Slovar – vocab.com
7. <http://www>. Advancegrammar.blogspot.com
8. <http://www.grammaren>. Ru
9. <http://www.wikipedia.org/wiki/comparative>
10. <http://www.wordreference.com>
11. <http://www>. Manythings.org
12. <http://www.collinsdictionary.com>
13. <http://www.quora.com>
14. <http://www.dictionarycambridge.org>
15. En/oxforddictionaries.com
16. Sentence.yourdictionary.com
17. <http://www2>. ivcc.edu
18. <http://www> . dictionary.com
19. <http://www>. phrasemix.com.
20. <http://www>. studyandexam.com
21. <http://www>. dictionary.com

